Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 10 (4705).
13 ЯНВАРЬ 1982 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ФАБРИКА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикаси ишчилари янги йилни зарбдор меҳнат билан бошладилар. Корхона ишлаб чиқаришида бу йил катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ерда реконструкция ишлари бошлаб юборилди.

БУГУН

фабрикада маҳсулот тайёрлайдиган 2 та автомат линия монтаж қилиб бўлинди.

Ўтган йилдан бошлаб фабрикада «Астра» номли янги сигарет ишлаб чиқарила бошланган эди. Бу йил эса «Анҳор» деб аталган юқори сифатли сигаретни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Корхона коллективи ўтган йил план топшириқларини 26 миллион 278 минг сўм этиб бажариб планга қўшимча 3 миллион 668 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

— Фабрикамизнинг тўла автоматлашиши ва механизациялаштирилиши қўл меҳнатини камайтиради, — дейди корхона директори О. Маҳмудов. — Коллективимиз мамлакатимизнинг шонли юбилейи шарафига оширилган социалистик мажбурият олиб ишламоқда.

Хотинхорлар, кизлар учун

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛАДИ

«Главташпассажтранс» бошқармасига қарашли 3-автобус парки коллективи ҳар куни 20 маршрутга 170 та машина чиқариб, бир кунда 130 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Яқинда бу ерда «ПАЗ— 672» маркали автобуслардан 17 таси олинди. Бу машиналар ҳадемай «Пахтакор» метро станциясидан Оқтепа майдонига қатнайдиган 35-маршрут, «Комсомол» метро станциясидан Оқтепа майдонига борадиган 36-маршрут, «Комсомол» метро станциясидан Отчопарга қатнайдиган 29-маршрут, «Комсомол» метро станциясидан Оқтепа майдонига борадиган 43-«э» маршрут, Юнусобод массивидан Қорақамиш массиви орқали ўтиб, Шифокорлар шаҳарчасига қатнайдиган 82-маршрут, Коммунистическая кўчасидан «ТашГРЭС»га борадиган 115-маршрут, «Пахтакор» метро станциясидан Шумилов станциясига борадиган 116-маршрутда юрувчи йўловчилар ҳожатини чиқаради.

Тўкин дастурхонимизни «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин. Корхона коллективи ширинликларни кўп ва сифатли ишлаб чиқариш билан бир қаторда уларни чиройли қоғозларга ўралган, қутиларга жойланган ҳолда ишлаб чиқаришга катта эътибор бераяпти.

СУРАТДА: корхонанинг ёш илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга) Муборак Қўчқорова ва Гулнора Азизова.

Х. Мирзанаримов фотоси.

СССР 60 йиллигига зарбдор ҳафталик

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

БУГУН ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА

Машъаллар билан тенглашиб

● МАСТЕР ЁРДАМЧИСИ ТОҲИР ИСЛОМОВ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИ ЙИЛИ ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРДИ ● ВЕТЕРАН 96 ТА ТЎҚУВ СТАНОГИГА ХИЗМАТ КЎРСАТЯПТИ ● ТЕХНИКА АЪЛО ХОЛАТДА ЭКАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ТЎҚУВЧИЛАР НИНА ЕРШОВА ВА АЛЕКСАНДРА КОТЕЛЬНИКОВА 1,2 МИЛЛИОН МЕТРГА ЯҚИН ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРДИЛАР.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси Сирожиддин Пўлатов беш йиллик мобайнида икки беш йиллик топшириғини бажариш бўйича даъват билан чиқанида Тоҳир Исломов унга биринчилардан бўлиб қўшилди. Сирожиддин сингари у ҳам 96 та тўқув станогига хизмат кўрсатаяпти (соҳа нормаси эса 44 та станок).

Тоҳир Исломов комплектида биринчи тўқув фабрикасининг 1-цехидаги икки илғор тўқувчи — Нина Васильевна Ершова ва Александра Сергеевна Котельникова ишлашади. Улардан биринчиси соҳа нормасидаги 24 станок ўрнига 52 станокда хизмат қилади, иккинчиси эса цех партия ташкилоти секретаридир. Унинг қарамоғида 44 станок бор.

Мастер ёрдамчиси ўз тўқувчиларидан миннатдор. Уларнинг ҳар иккиси ҳам виждонан меҳнат қилиб, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун тинмай курраш олиб бориляпти. Ветеранлар иш минутининг қадрига ета билишади. Асосий операцияда— иплар узилишини бартараф этишда ўн секундча вақтни тежашади. Бу катта ютуқ, чунки бу секундлар тўпланиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади. Шунинг учун ҳам ҳар икки тўқувчи соҳа нормасидан юқори зичликда ишлаб, топшириқларини 114—117 процент адо этаяпти.

Тўқувчилар муваффақиятини яна нималар белгилаяпти? Ҳар икки ишчи ҳам шуни тўла асос билан айтиши мумкинки, уларга юксак унумли меҳнат қилиш учун мастер ёрдамчиси шароит яратди. Ҳақиқатда ҳам Тоҳир ўз станокларини техник жиҳатдан аъло даражада сақлайди, ҳамиша бузилишларнинг олдини олади.

Юксак унумли меҳнат қилиш, техникани аъло даражада сақлаш туфайли фақат 1981 йилда комплект станокларидан 1.190 минг метрдан ортиқ хом сурп олинди ёки икки йиллик план бажарилди.

Тоҳир Исломов иш суръатини сусайтирмай, янги юксак марраларни қўлга киритиш учун интиляпти. Т. Исломовдан кейин икки йиллик планни мастер ёрдамчиси Вадим Коростелев ҳам бажарди.

Тажрибали мастер ёрдамчилари нинг ютуқлари ҳар бир иш жойида мавжуд бўлган резервлардан биллиб фойдаланишнинг яхши мисолидир. Юзлаб ишчилар улардан техникадан фойдаланишни ўрганишяпти.

И. МАРГОНИН.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб коммунистик меҳнат бригадалари меҳнат қилади. Ана шундай бригадалардан бирига В. Орипова бошчилик қилади. Бу илғор коллектив юқори сифатли махсулот тайёрлаш билан корхонада ибрат бўлмоқда.

СУРАТДА: В. Орипова бригадаси.

М. Нуриддинов фотоси.

МУСОБАҚАГА ЯКУН ЯСАЛДИ

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ИЙҒИЛИШЛАРИ

Кеча Ўзбекистон пойтахтининг барча районларида партия-хўжалик активи йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, машиний хизмат корхоналарининг иш якунлари муҳокама этилди.

1982 йил учун социалистик мажбуриятлар муҳокама этилиб, қабул қилинди, районларнинг коллективлари ўртасидаги меҳнат беллашуви тўғрисида шартномалар имзоланди. Авваллари Ленин, Киров районлари Собир Раҳимов районлари билан, Ленин районлари Фрунзе районлари билан, Ҳамза районлари Куйбишев районлари билан, Октябрь районлари Чилонзор районлари билан, Акмал Икромов районлари Сергели районлари билан мусобақалашади.

Шаҳар районлари активининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар партия комитети секретарлари Б. Г. Халилов, М. Ф. Солдатов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Қозимов иштирок этдилар.

Корхонанинг тарихи

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ишга туширилиши 30-йилларда пойтахтимиз социал ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган эди.

Юбилей муносабати билан корхонанинг боғлиқ ўтган меҳнат фаолияти ҳақида қисқа шон-шуҳрат музейи ноёб экспонатлар билан ой сайин бойиб бормоқда. Унинг барча экспонатлари тўқимачилик саноатининг тўғриси тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган.

Яқинда корхонанинг меҳнат ветеранларидан бири В. И. Грязнова саргайиб кетган фотосуратларни бу ерга тақдим қилди. Бу суратлар фашизм устидан ғалаба қозонилган куни суратга олинган бўлиб, унда Е. Филлипова бошчилик қилаётган 2-цехнинг участкасида қизғин меҳнат палласи акс эттирилган. Ўша куни тўқимачилар зарбдорчасига меҳнат қилиб, юқори меҳнат унумдорлигига эришган эдилар.

Комбинат механика заводининг собиқ слесари С. Тошмуҳамедов армуғон этган ноёб экспонатлар ҳам диққатга сазовордир. Унга СССР тўқимачилик саноати халқ комиссарлиги томонидан тақдим этилган «Социалистик мусобақа аълочиси» нишони экспонатлар қаторидан ўрин оладиган бўлди. Слесарь 1947 йилда ана шу нишон билан тақдирланган эди. Бу нишон 1934 — 1939 йиллар мобайнида Тошкент шаҳар Советининг депутати бўлганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи депутатлик мандатини, ҳам топширди.

Комбинат музейи ана шу ноёб ва жуда кўп қизиқарли экспонатлар билан юбилейга тараддуд кўрмоқда.

Қолоқларсиз ишлашяпти

Шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 103-автобаза коллективи ўтган йил учун белгиланган юк ташиш топшириғини муддатидан ўн кун аввал адо этди. Пил мобайнида 1 миллион 550 минг тоннага яқин халқ хўжалиги юклари ташилди. Шундан 60 минг тоннага яқини планга қўшимча ташилган юклардир.

Автобаза коллективи Фрунзе ва Ленин районларидаги йирик саноат корхоналарига транспорт хизмати кўрсатади. Автотранспортчилар меҳнатни илмий ташкил этиш, прицеплардан самарали фойдаланиш, рационал маршрутларни жорий этиш ҳисобига юк ташиш ҳажмини тобора кўпайтиришаяпти, кўплаб ёнилги ва мойлаш материалларини тежашаяпти. Айни пайтда коллектив ҳар ҳафтада ўртача минг литрдан ортиқ ёнилғини тежаяпти.

БУГУН

автобаза коллективининг янги йил бошидан бери ташиган юклари 40 минг тоннага етди.

Зарбдор ҳафталарда корхонанинг барча ишчи ва хизматчилари фаол иштирок этаяпти. Ҳозир бу ерда нормасини бажара олмаётган биронта ҳам транспортчи йўқ. Коллектив мамлакатимизнинг автоном республикалари, областлари ва округларига бағишланган навбатдаги зарбдор ҳафтада 20 минг тоннадан ортиқ юкни манзилга етказишни мақсад қилиб қўйди.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Госкомсельхозтехника»га қарашли тажриба-ремонт механика заводининг гидропресс цехида йил бошидан берн ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга юборилган гидропресслар 100 тадан ошди. Шундан бир қисмини коллектив Ҳиндистон, Афганистон, Румния каби хорижий мамлакатларга юборди. Корхонада тайёрланаётган бу агрегатнинг чет элдаги ишқибозларн тобора кўпаймоқда. Ҳозир 20 га яқин хорижий мамлакатга гидропресс юборилмоқда.

Гидропресс цехида сўнгги йилларда кичик механизацияни жорий этишга катта аҳамият берилянти. Масалан, яқин вақтгача ҳам цехда цилиндр гайкалари қўлда қотириларди. Ҳозир бу иш гидронасос ёрдамида амалга оширилаяпти. Бундан ташқари цехда меҳнат маданиятини ошириш имконини берадиган қатор тадбирлар ҳам амалга оширилди. Натижада унумли ва сифатли меҳнат қилиш учун янада қулай имкониятлар юзага келади.

Бу йил цехда 400 тадан ортиқ гидропресс тайёрлаш планлаштирилди.

ЯНГИ «ЗАНГОРИ КЕМА» ИШГА ШАЙ

Кенг қаторларга экилган пахта ҳосилини жадал териб олиш имконини берувчи янги комбайн пахтазорлар ихтиёрига топширилмоқда. «Ташсельмаш» заводида «ХВН—1.8» агрегатларнинг дастлабки саноат туркуми тайёрланди.

Бу машинанинг кўпчилик узеллари тор қаторларда ишлашга мўлжалланган аввалги «ХВН—1,2» машинасидан олинган. Бу ҳол янги машина ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштириш ва уни арзонлаштириш имконини берди — деталларнинг атиги 20 проценти алмаштирилди. Самара эса жуда катта бўлди.

Узелларни жойлаштиришни яхшилаш ва иш органларини кучайтириш йўли билангина соатлик иш унумини оширишга эришилди. Техникавий хизмат осонлашди: машинани созлаш ва профилактика қилиш учун камроқ тўхтатиладиган бўлди. Демак, механик-ҳайдовчини н г ташвиши камайди — у унумли ишлаш учун бир соат ютадиган бўлди. Шу қўшимча соат ичида ярим гектар пахтазорнинг ҳосили териб олинади.

Бирданига икки қатордаги пахтани териболадиган комбайн 70 терминнинг ишини бажаради. Саранжомсаришталикда ҳам машина теримчилар билан бемалол мусобақалаша олади: «ХВН—1.8» комбайни ҳамма чаноқларни топ-тоза қилишдан ташқари пахтадаги чанг ва хасчўпни ҳам қоқиб ташлайди. Пахтани тез ва тоза териш хусусияти туфайли машина учун энг қимматбаҳо ипак пахта майдонларига ҳам йўл очилади.

Пахтачиликка мосланган ва қуввати оширилган —МТЗ — 80Х тракторига тирқаладиган янги комбайн кенг далали за узун эгатли қўриқ ерларда айниқса яхши иш беради. Унинг тезкорлик фазилатлари бу ерларда тўла-тўкис намоён бўлиши мумкин.

Пахтачилик машиналари махсус давлат конструкторлик бюроси «Ташсельмаш» заводи билан ҳамдўстликда яратаётган пахта терши техникасини такомиллаштириш д а узел ва деталларни унификация қилиш асосий йўналишлардан биридир. Муваффақиятли чиққан иш органлари, пневмотранспорт системалари, бункерлар ва бошқа узеллар турли шароитларда ишлашга мўлжалланган машиналарда қўлланилмоқда. Бу эса техникани такомиллаштиришга ҳам, уни ўзлаштиришни жадаллаштиришга ҳам ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

⊙ 11 январь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ПХР ташқи ишлар министри Ю. Чирек билан музокаралари бўлиб ўтди.

А. А. Громико билан Ю. Чирек Совет — Польша икки томонлама муносабаларининг аҳволи ҳамда шу муносабатларнинг Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги мустаҳкам иттифоқ, бўзилмас дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик асосида, иккала мамлакат халқларининг манфаатларини, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, коллектив мудофаа Варшава Шартномасига ҳамда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги икки томонлама Совет—Польша шартномасига мувофиқ янада ривожлантириш истиқболлари масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Музокаралар самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

Қўшма ахборот қабул қилинди. Бу ҳақда бугун марказий газеталарда эълон қилинган.

⊙ 12 январда бўлиб ўтган область тармоқлараро касаба союз конференциясининг қатнашчилари Тошкент области ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг меҳнат ғайратлари ва ижтимоий-сиёсий активликлари анча ошганлигини қайд этдилар.

● *Аҳолига қулайлик*

ЯНГИ КЎПРИК

БУГУН

Сергелидаги 13-кўприксозлик отрядининг бунёдкорлари Тошкент темийўл бўлимининг «Салор» станцияси ёнида янги такомиллашган замонавий кўприк қурилишини муддатидан тўрт ой илгари битказиб, фойдаланишга топширдилар.

Бу иншоотни бунёд этишда 212 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Шунингдек шу кўприк ёнида темир йўл остидан тўрт томонлама ўтиш йўли ҳам қурилди. Уни бунёд этишга 480 минг сўмлик капитал маблағ сарфланди.

Қурилиш ишлари катта прораб Николай Зуев ва бригада бошлиғи Владимир Пермяков раҳбарлигида амалга оширилди.

Кўприксозлар шу кунларда пойтахтимизнинг Ҳурриқ кўчасида ва Чилонзор массивининг Бўржар ариғида ҳам янги иншоотлари қуриш ишларини олиб бормоқдалар.

Болалар студиясининг тўйи

Тошкент тўқимачилик комбинатининг Ю. А. Гагарин номли маданият саройида ишлаб турган намунали болалар тасвирий санъат студияси ташкил этилганлигининг 30 йиллиги тантанали нишонланди.

Бу студиянинг ёш ижодкорлари ўзларининг ранг-баранг расмлари билан область, республика, ҳамда Бутуниттифоқ кўрикларида бир ва бир неча марта қатнашишга муяссар бўлганлар. Энг яхши сара асарлар Руминия, Тунис, Жазоир, Канада сингари мамлакатларда намойиш этилган. Шу пайтга қадар студия бўйича юздан ортиқ ҳар хил кўргазма ташкил этилди. Бу ерда уч мингга яқин бола маҳоратини оширди. Уларнинг кўпчилиги истеъдодли рассомлар, ўқитувчилар бўлиб вояга етишган. Ҳозирда студияда юзга яқин бола шуғулланмоқда.

РАҚС САНЪАТИНИНГ КЎРИГИ

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият ва техника саройида ҳаваскорлик рақс санъатининг область кўриги бўлиб ўтди.

Кўрикда намойиш этилган рақс программасини муҳокама қилишда ана шу санъатнинг кўзга кўринган мутахассислари қатнашдилар.

Кўрикда В. И. Ленин номли электротехника заводининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати халқ рақс ансамбли коллективига биринчи ўрин берилди.

Иккинчи ... авиасозлар ... торсозлар ... ройларин... лективла... муяссар ... коллект... область ... лари Со... ломлари ... фотлари ... лардилар.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Москва шаҳри атрофида Луговая деган поселка ва станция бор. Бу қишлоқ фахрий гражданларининг рўйхатида она-Ватанимизнинг пойтахти Москвани немис-фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишда қатнашган тошкентлик жангчиларнинг ҳам номлари ёзилган. Поселканинг пионерлари металлом йиғиб, топилган маблағ эвазига у ерда ёдгорлик бунёд этишган. Ана шу ёдгорликда тошкентлик жангчиларнинг жасорати ҳақида оташин сўзлар ўйиб ёзилган. Луговая станциясининг болалари уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси билан узоқ йиллардан буён алоқа боғлаб турибдилар. Улар қишки каникулдан фойдаланиб, Москва остоналарида матонат кўрсатган жангчилар билан, ўз оталиғидаги Тошкент секциясининг ходимлари билан учрашиш мақсадида бу ерга келдилар.

Меҳмонларни уруш ветеранлари Тошкент секциясининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Бобоев, уруш ветеранлари В. Пайгранов, А. Волков, Г. Гичь, Н. Йўлдошев ва бошқалар кутиб олдилар.

Улар меҳмон болаларга Москванинг қаҳрамонона мудофаа кунлари ҳақида, шу кунларда ўзининг ... лик юбилейига ... гарлик кўраётг... кент ҳақида ... бердилар.

Луговаялик бол... В. И. Ленин Марка... музейининг Тошкент филиали, Ўзбекистон халқлари тарихи, Туркистон ҳарбий округининг музейлари ва бир катор пионер дарғоҳларини бориб кўрдилар.

телетайп лентасидан

⊙ ПРАГА. Шу йилги экспорт планига мувофиқ Чехословакияда тайёрланган пойафзалларнинг дастлабки туркуми Совет Иттифоқига жўнатилди. Чехословакия саноати Совет Иттифоқи буюртмаларига мувофиқ 1982 йил мобайнида 34 миллион жуфтдан кўпроқ пойафзал тайёрлаб чиқаради. Жаҳон сифат стандартларига ва моданинг сўнгги талабларига мос бўлиб тушадиган янги фасон ва формадаги туфлилар, қишда кийиладиган ботинкалар ва этиклар шу маҳсулотнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу янги пойафзаллар билан бир қаторда Чехословакияда спорт, туристик ва болалар пойафзали ҳам кўплаб ишлаб чиқарилади.

⊙ ПАРИЖ. 1981 йилда Францияда пул қадрсизланиши абсолют рекордга етди. Умумий меҳнат федерациясининг маълумотларига кўра, бутун мамлакатда нарх-наво 16,1 процент ошган. Қимматчилик тез ўсганлиги, деб таъкидлайди «Юманите» газетаси, кўп жиҳатдан минимал иш ҳақининг ошганлигини йўққа чиқаради. Минимал иш ҳақини ошириш тўғрисида ҳукумат қарор қабул қилган эди.

⊙ ДЕҲЛИ. Кейинги ўн йил мобайнида Ҳиндистонда нефть қазиб чиқариш икки баравар кўпайиб, 14,5 миллион тоннага етди, деб хабар қилади бу ерда нашр этилаётган «Истерн экономист» журнали. Ўзўзини нефть билан таъминлаш проблемасини ҳал этиш — мамлакатнинг биринчи навбатдаги иқтисодий вазифаларидан биридир. Ҳозирги вақтда мамлакат экономикасининг нефтга бўлган талаб-эҳтиёжи ўз нефти билан 50 процентдан ҳам камроқ қондирилмоқда. Шу муносабат билан ҳукумат мавжуд конларнинг самарадорлигини ошириш, қидирув ишларини активлаштириш мақсадида кўп куч-ғайрат сарфламоқда.

Ҳукумат программаларини рўёбга чиқаришда Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишга катта ўрин ажратилмоқда.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ президенти Р. Рейганнинг ташқи ва ички сиёсати АҚШ аҳолисининг унга нисбатан бўлган ишончини тобора камайтирмоқда. Гэллап институти ўтказган ва бу ерда эълон қилинган жамоатчилик фикрини сўраб билиш маълумотлари ана шундан далолат беради. Ҳозирги вақтда америкаликларнинг 50 процентдан камроғи Рейганнинг давлат бошлиғи даво вимидаги фаолиятини маъқуллайди, 41 проценти эса бу фаолиятни қониқарсиз деб баҳолайди. «Нью-Йорк таймс» газетаси ана шу сўраш натижаларини шарҳлаб, ҳокимият тепасида турган унинг ўтмишдошларининг тез гишли даврдаги мавқеидан ҳозирги президент мавқеи паст деб таъкидлайди.

⊙ ЛУСАКА. Замбия пойтахтида Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси таш. кил этилганлигининг 70 йиллигига бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда Замбия миллий мустақиллиги бирлашган партиясининг (ЮНИП) бош секретари Х. Мулемба, Африкаликлар миллий конгресси миллий ижроия комитетининг аъзолари, Замбия жамоатчилигининг намояндалари иштирок этдилар.

ЮНИП бош секретари ЖАР ирқчилари билан ҳамкорлик қилганликлари учун ғарб мамлакатларини кескин танқид қилиб, БМТ ЖАР ва Намибия хусусида қабул қилган қарорларни қатъий бажаришни улардан талаб қилди.

Митинг иштирокчилари шонли юбилей муносабати билан КПСС Марказий Комитети Жанубий Африкаликлар миллий конгресси миллий ижроия комитетига йўллаган табрикономасини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

(ТАСС).



«Ташхимсельмаш» заводида нўплаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Шулардан бири коммунистик меҳнат зарбдори комплектловчи К. Понкратовдир. У кунлик топшириқларни 20—30 процентга ошириб адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

* * *

Ўнгдаги суратда коммунистик меҳнат зарбдори, ВЛКСМ аъзоси М. Награнова тасвирланган. У уч йилдан бери «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг иккинчи тўқув участкасида фидокорона меҳнат қилиб келяпти. Марина «МС» маркали станокни моҳирлик билан бошқариб, ҳар сменада 140 килограммдан тайёр маҳсулот топширмоқда.

М. Нуриддинов ва Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

Идеология фронти жангчилари

БОЙ БИЛИМ, ҚАЛБ ҚЎРИ БИЛАН

Завод бошқармасидагилар унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Е. Дудин ўз меҳнат фаолиятини 1955 йили шаҳримиздаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тепловоз ремонти заводининг ремонт-комплектлаш цехида техника назорати бўлимидан - бошлаган. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини муваффақиятли тамомлагач, техника назоратининг катта мастери этиб тайинланди. Кейин дизель цехига катта мастер қилиб ўтказишди. 1978 йилдан буён эса назорат бўлимининг бошлиғи. Жамоат ишларида Евгений Иванович жуда актив. У ўзининг ишлаб чиқаришдаги рационализаторлик таклифлари билан корхонага бир неча минг сўмлаб фойда келтирган. Заводда энг яхши пропагандист ҳисобланади.

— Ҳозир мен раҳбарлик қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабида, — деб ҳикоя қилади Е. Дудин. — ремонт-комплектлаш цехи ва марказий-техника ҳисоблаш лабораторияси ишчи-хизматчилари шуғулланадилар. Улар 30 киши. Машғулотларга актив қатнашишади. Ҳаммаси коммунист.

Энг муҳими шуки, пропагандист бой билимга эга бўлиши керак. Чунки ҳозирги тингловчиларнинг тажрибалари катта, дунёқарашлари кенг, етарли билимга эга бўлган кишилардир. Улар кўп ўқишади. Шунинг учун ҳам машғулот раҳбари сифатида кўп нарсани ўқиб-ўрганишга, тингловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб топишга интиламан. Машғулотга димо эртароқ ҳозирлик кўраман. Дастлабки манбалардан фойдаланаман. В. И. Ленин, Л. И. Брежнев асарларидан, партиямизнинг XXVI съезди материалларидан, Марказий Комитетнинг қарор ва ҳужжатларидан фойдаланаман. «Коммунист», «Политическое самообразование» каби журналлар, марказий, республика, шаҳар газеталарини ўқиб бораман. Шунингдек бадиий адабиётлардан ҳам тез-тез фойдаланаман. Район партия комитетининг биз, пропагандистлар учун ташкил этаётган семинарлари эса кўп нарса беряпти.

Сўнгги йилларда пропагандистлар учун шахсий ижодий план асосида иш юритиш анъанага айланиб бораяпти. Евгений Иванович ҳам бунга амал қилади.

— Буни зарурий иш деб ҳисоблайман, — дейди у. — Ижодий планинг бўлса, белгиланган вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиласан. Нима қиларингни билолмай юрмайсан.

— Унда нималар бор?

— Менинг ижодий иш планим олти бандан иборат. Унда муҳим масалаларга аҳамият берилган. Мени техника назорати бўлими бошлиғи ва пропагандист сифатида заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, ремонт қилинаётган тепловозларнинг чидамлилигини янада ошириш каби масалалар қизиқтиради. Бу тингловчиларни ҳам қизиқтиради. Диққат билан эшитишади. Шунинг учун ҳам планимдаги бандлардан бирида «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» деган мавзуда суҳбат ўтказишни белгилаб қўйганман.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нинг «Эсдаликлар» асарини семинаримизда муҳокама қилдик. Шуни айтиш лозимки, бу семинар жуда мазмунли, маро̆ли ўтди.

Ҳа, марксизм-ленинизм асослари мактабидаги машғулотлар амалиёт билан боғлаб олиб борилянти. Тингловчилар активлиги ошмоқда. Масалан, ремонт-комплектлаш цехидаги В. Климов, Р. Шенгаревалар бошчилик қилаётган бригаталарнинг муваффақиятлари фақат цехдагина эмас, балки заводнинг бошқа коллективларида ҳам маълум. Илғор коллективлар маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб ада этишяпти. В. Бессонов каби кўплаб ишлаб чиқариш новаторлари фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Кўпгина тингловчилар эса маҳсулотларга шахсий тамға босиш ҳуқуқини олганлар. 1980 йилга нисбатан бултур брак 30 процентга камайди. Қувонч билан айтиш мумкинки, бу ютуқларда машғулотларнинг таъсири катта бўляпти.

— Пропагандист сифатида эришган ютуқларимдан қаноатланиб қолмайман, — дейди Е. Дунин — ҳали баъзи участкаларда брак маҳсулот ишлаб чиқариш давом этиб келяпти. Пропагандист бунга лоқайд бўлолмайди. Яна бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Бизнинг пропагандистлик ишимизда кўргазмали қуролнинг аҳамияти катта. Шунга эътибор берилса. Диафильм ва бошқалар тингловчиларга жуда қулай. Сиёсий маориф кабинети белгиланган тадбирлар планидан янги йилда пропагандистларнинг ўзаро тажриба алмашиш семинарларини ўтказиб туриш, тажрибали пропагандистлардан Ч. Одабаш, Н. Платонов кабиларнинг намунавий машғулотларини уюштириш ўрни олса яхши бўларди.

Пропагандист ҳақ. Методик совет ишини янги йилда жонлантириш, учрашувларни тез-тез ташкил этиб туриш лозим. Токи, илғор тажриба ёки ташаббус барчанинг мулкига айлансин.

А. БАҲОДИРОВ.

• *Беш йиллик вахтасида*

Эл дастурхонига

РЕПОРТАЖ

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг конфет ишлаб чиқариш цехи. Биз кириб борганимизда цехда иш қизғин. цех бошлиғи З. Мирзалилов эса икки-уч ишчи билан қандайдир аппаратни тузатмоқда эди.

— Узр,— деди у биз билан кўришиб бўлгач, хижолатомуз оҳангда — Келиб-келиб бузилган вақтини қаранг, — деди машинага ишора қиларкан.

У бизни смена бошлиғи, Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Салтанат Зиёмуҳамедова билан таништирди.

— Цехимиз фабрикада энг илғор коллективлардан ҳисобланади, — дея завқ билан сўзлай бошлади Салтанат опа, бир маромда ишлаётган, турли операцияларни бажараётган машиналар оралаб ўтиб борар-канмиз. — Ўтган йилнинг [illegible]анини ноябрь ой[illegible] бажарган [illegible]публика об-[illegible] 4012 тонна маҳсулот [illegible] Пландан [illegible]лаб чиқа[illegible] ширинлик [illegible]ани таш[illegible]т, 35 [illegible] фидокоро[illegible] қилиб кела[illegible]анат опа[illegible]арида жон [illegible] у етакчилик [illegible]я смена кол[illegible] эришаётган [illegible]ақиятла р д а н [illegible]илиш мумкин. [illegible]ада жами 70 па[illegible] ишчи бўлиб, улар [illegible]ўртта бригадага бў[illegible]линган.

Цехда жами 24 хил конфет ишлаб чиқарилади. Мана, биз олий сифатли конфетлар тайёрланадиган участкадамиз. Бу ерда З. Иванова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ишлайди. Бригада корхона бўйича кенг қулоч ёзган «Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз!», «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!» ҳаракатларида фаол қатнашаётган илғор коллективлардан биридир. Бригада беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари 150 процентга етказиб адо этди. Бу ерда тайёрланаётган «Оқ олтин», «Ўзбекистон», «Дўстлик», «Қизил шапкача», «Айиқполвон» сингари ўнлаб хилдаги конфетларнинг олий сифат билан ишлаб чиқарилаётгани ҳам бежиз эмас.

Конфетларнинг оммавий хиллари тайёрланадиган участкада ҳам меҳнатнинг кўтаринки руҳи ҳукмрон. Бу ерда В. Низомова бошлиқ бригада «Ўзбекистон мевалари», «Ўйинчоқ», «Янги йил» ва турли асалли конфетларни тайёрлашмоқда. Бригаданинг М. Лапина, А. Гризнова, М. Аюпова сингари жонкуяр қандолатчилари эришаётган ютуқлар ибратли бўлмоқда. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига зарбдорона меҳнат билан жавоб бераётган бригада коллективи этаётган ишлари билан ҳаммани ҳайратлантирмоқда. Ҳаммасини ёзишга имкон йўқ. Ҳозирги кунда бригада 3100 килограмм ўрнига 4 тоннадан ширинлик тайёрламоқда.

Тайёр ширинликлар қутиларга жойлаштирилиб, жўнатишга тахт қилиб қўйилаётган участка билан танишаётганимизда фабрика маҳсулот тарқатиш бўлимининг бошлиғи Н. Литвинова келиб қолди.

— Ҳар қандай дастурхонни, албатта, ширинликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди,— деди Н. Литвинова. — Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида республика областларига 500 тоннадан зиёд ширинлик жўнатдик.

Ҳақиқатан ҳам цехнинг зарбдор коллективи эришаётган кўрсаткичлар кишини қувонтиради. Бу ерда СССР 60 йиллиги шарафига қизғин олиб борилаётган социалистик мусобақага бутун цех коллективи бир жон бир тан бўлиб иштирок этмоқда. Коллективнинг ягона мақсади — КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақият билан бажара бориб, республика меҳнаткашларига ҳилма-хил ширинликлар етказиб беришдан иборат. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам коллективга катта зафарлар ёр эканлигига цехдаги жўшқин меҳнатни кўриб яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

С. САИДОВ.



Шаҳримиздаги абразив комбинатида меҳнат ветеранлари ишлаб чиқариш илғорлари бўлибгина қолмай, улар ёш ишчиларга мунтазам мураббийлик қилиб келишмоқда. Корхонанинг ана шундай устоз ишчиларидан бири М. Абдураҳмоновдир.

СУРАТДА: М. Абдураҳмонов.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Тошкентнинг 2 минг йиллиги олдидан

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»НИ РАВШАН ЭТИБ

Бугунги турмушимизни телевизорсиз тасаввур этиш қийин. «Зангори экран» уйларимизнинг тўрида порлаб туради. Унинг ҳамиша соз бўлиши асосан телеательеларнинг хизматига боғлиқ. Маиший хизматнинг ана шу тури шаҳримизда пайдо бўлганига 25 йил бўлди. Ўтган йиллар мобайнида ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида эришилган ютуқлар ва навбатдаги режалар ҳақида сўзлаб ишини шаҳар «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Б. АБДУМАЖИДОВдан сўрадик.

— Тошкент телемарказининг дастлабки кўрсатувлари бошлангандан кейин кўп ўтмай 1956 йил октябрь ойида янги хизмат тури пайдо бўлган. Навоий кўчасидаги 16-уйнинг унча катта бўлмаган хонасида телевизион ателье очилган. Устахонага телевизорларни созлаш ва ремонт қилиш вазифаси юкланган эди. Бу ерда атиги 15 радиомеханик ишлар ва уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиши бир йилда ўн минг сўмликдан ошмасди. Ҳозир бу устахона Ўрнида Октябрь район телевизион ателъеси жойлашган.

Ўтган даврда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Айниқса 1963 йилда Пионерская кўчасида икки қаватли телевизион ателье қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги қувончли бўлди. Ҳозир бу республикамиздаги энг йирик ремонт корхонасидир. Кейнини беш йилликнинг ўзида янги қурилган биноларнинг пастки қаватларида телевизион ателъелар учун 1500 квадрат метр жой ажратиб берилди. Бугунги кунда шаҳримизда 40 тага яқин телевизион ателье ва устахона бўлиб, уларда 600 дан ортиқ киши ишлаяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми йил сайин ортиб, сифати яхшиланмоқда. Бунга янги ремонт техникаси ва технологиясини жорий этиш, усталарнинг малакасини мунтазам ошириб бориш туфайли эришилмоқда. М. Алиев, В. Андреев, А. Каплан, В. Красиков каби тажрибали ходимларимиз ёшларга мураббийлик қилишяпти. Ўнлаб ходимларимиз «Маниший хизмат аълочиси», «Ўз касбининг устаси» номини олишга сазовор бўлишган. Шуниси қувончлики юздан ортиқ радиомеханик ўтган йилги шахсий планларини 7 ноябрдаёқ бажарган эди. Ана шундай илғорларнинг ташаббускорлиги туфайли бирлашмамиз коллективи йиллик планини муддатидан анча илгари 102,5 процент қилиб бажарди. Аҳолига 2 миллион 600 минг сўмликдан ортиқ хизмат кўрсатилди.

— Ҳамшаҳарларимиз айрим ателъеларда буюртмачиларга хизмат кўрсатиш маданияти пастлиги ҳақида тез-тез шикоят қилишади. Шу боисдан аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— КПСС XXVI съезди қарорларида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан катта вазифалар кўрсатиб берилган. Чиндан ҳам мижозларга хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйиляпти. Аҳолининг ҳақли шикоятига сабаб бўлувчи бошқа муаммолар ҳам бор. Шу сабабдан биз аввало меҳнат унумдорлигини ўстиришга, радио ва телевизорларни ремонт қилишга кетадиган муддатини қисқартиришга, бажарилган иш сифатини оширишга алоҳида эътибор берямиз.

Ателъеларни ихтисослаштириш ҳам самарадорлик омили бўляпти. Шу мақсадда ўтган йилнинг ўзида Чилонзор кўчасида транзисторли радио аппаратлар ремонт қилинадиган, Новий путь кўчасида рангли телевизорлар ремонт қилинадиган ихтисослаштирилган устахоналар очилди. Гоголь кўчасида барча турдаги телевизорлар ремонтга қабул қилинадиган район устахонаси ташкил этилди.

Бу йил коллективимиз аҳолига 2 миллион 874 минг сўмлик хизмат кўрсатиши керак. Шу беш йиллик охиригача хизмат кўрсатиш ҳажмини шаҳар бўйича 1,6 баравар кўпайтириш ва 4 миллин сўмликка етказиш вазифаси қўйилган. Коллективимиз ана шу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани авж олдириб, бутун куч ва имкониятларини ишга солади.

Шуниси қувончлики, Тошкентнинг 2 минг йиллигига тайёргарлик пайтида шаҳримизда улкан телеминора қад ростлаяпти. У ишга туширилгач, кўрсатувлар сифати янада ортади. Бу бизнинг ходимларимиз ҳам катта масъулият билан ишлашларини тақозо этади. Коллективимиз Тошкентнинг 2 минг йиллигини ҳамшаҳарларимиз г а хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, «зангори экран»ларни янада равшан этиш билан кутиб олади.

Суҳбатни

М. МУРОДОВ ёзиб олди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ республикасида телеграф алоқаси тармоқлари кенгаймоқда. Яқинда Кампучия пойтахтида, Прейвенг ва Свайриенг вилоятлари марказларида 5 та янги телеграф бўлими очилди.

КХР алоқа, транспорт ва почта министрлиги келгуси йилда мамлакатнинг барча вилоятлари ўртасида телеграф алоқасини тиклашни планлаштирмоқда.

Я Х Ш И АНЪАНА

ПРАГА. Совет буюртмаларини муддатидан илгари ва сифатли бажариш — Чехословакиянинг Куржим шаҳридаги станокозслик заводи учун яхши анъана бўлиб қолди. Корхона меҳнаткашлари бу йил советлар мамлакатига 120 та металлсозлик станокларини юбордилар, буларнинг қарийб ярми рақамли программа билан бошқариш станокларидир.

«Тос—куржим» заводи республикадаги етакчи станоксозлик корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг маҳсулоти жаҳондаги ўнлаб мамлакатларда маълум. Завод қардош социалистик давлатлар билан айниқса мустаҳкам алоқа боғлаган. У социалистик Иқтисодий Интеграция комплекс программасини бажаришда актив қатнашмоқда.

Завод директори И. Вейроста ТАСС мухбирига бундай деди: «Маҳсулотимизни н г кўпчилик қисми анъанавий шеригимиз — Совет Иттифоқига юборилмоқда. СССРнинг катта буюртмалари туфайли биз узоқ муддатли планлаштириш негизида ишлаб чиқаришни ривожлантира оламиз.

Ц И Т Р У С Э К И Н Л А Р И Э К С П О Р Т Қ И Л И Н М О Қ Д А

ГАВАНА. 1981 йилнинг якуплари бўйича Куба жаҳонда цитрус экиндиларини экспорт қилувчи 7 та давлатдан бири бўлиб қолди. Республика қишлоқ хўжалик министрлиги цитрусчилик миллий директори Омар Фернандеснинг хабар беришича, ўтган йили мамлакатда 445 минг тонна ҳар хил цитрус мевалари — апельсин, мандарин ва бошқа мевалар етиштирилган. Булардан 250 минг тоннаси чет элларга сотилди. 1980 йилга нисбатан шу маҳсулотни экспорт қилиш 20 процент ошди.

АВТОМОБИЛСОЗЛАР ҲАМКОРЛИГИ

БУДАПЕШТ. Вестремдаги «Баконь» машинасозлик заводи ходимлари тақсимлагич ва ёқиш қулфлари, ойна тозалагич ва овоз сигналларидан иборат қисмларни шу йил биринчи марта «ВАЗ» бирлашмасига юбордилар. Бу корхона Тольяттидаги заводнинг энг катта шерикларидан бири. Коллектив шу йилнинг ўзидагина совет буюртмачиларига электр асбоб-ускуналарини и н г бир неча миллион ҳар хил запас қисмлари ва узелларини юборади. Комбинат шунингдек «Камаз» ва «Азлк» бирлашмаларига ҳар хил комплект деталлар етказиб беради. «Жигули» автомобиллари учун шчиткалар ишлаб чиқарувчи Будапештдаги «ММГ» заводи автомобилсозлик соҳасида Совет—Венгрия кооперациясида актив қатнашмоқда.

Венгрия ва Совет корхоналари «Жигули» кооперация программаси асосида қарийб ўн йилдан буён ҳамкорлик қилмоқдалар. Шу маркадаги машиналарни ишлаб чиқаришда кооперация тўғрисидаги битимга мувофиқ Венгрия саноати шу беш йилликда Тольяттидаги автомобиль заводига 20 тадан кўпроқ турда узел ва деталлар юбориб туради.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БЕРЛИН. Ўтган йили Германия Демократик республикасида 82 мингтадан ортиқ квартира қурилди ёки қайта тикланди. Бу планда кўзда тутилганидан 9,4 мингта кўпдир. ГДР қурилиш министри В. Юнкер шу ҳақда маълум қилиб, янги беш йилликнинг биринчи йилида, Берлин, Лейпциг, Дрезден, Галея ҳамда республиканинг бошқа йирик шаҳарлари ва саноат марказларида уй-жой қурилиши энг юксак даражада олиб борилганлигини айтди.

* * *

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ўтган йили Ғарбий Берлин кўчаларида шаҳар полицияси 81 мингтага яқин автомобиль фалокати ва турли йўл воқеаларини рўйхатга олди. Булар натижасида шаҳар аҳолисидан 230 киши халок бўлган ва садқам 17 минг киши жароҳатланди.

РИМ. «Альфа Ромео» автомобилсозлик концернига қарашли корхона ишчилари Италиянинг Милан шаҳри кўчаларида оммавий намойиш ўтказдилар. Улар маъмуриятнинг ишлаб чиқаришни қисқартириш ва компаниянинг Милан ҳамда Италиянинг жанубидаги бошқа шаҳарларда жойлашган бир қанча заводини ёпиб қўйиш тўғрисидаги қарорига қарши чиқдилар. Ана шу тадбирлар натижасида 7 минг киши ишсиз қолди.

* * *

ПАРИЖ. Франция газеталари Париж метросида икки киши ўлдирилганлиги тўғрисида маълум қилиб, жиноятчилик ўсиб бораётганлигига бағишланган материалларни босиб чиқардилар. Жиноятчилик проблемаси ой сайин тобора хатарли тус олмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина машҳур Париж метроси станциялари ва вагонларида пассажирларга 1000 мартадан кўпроқ ҳужум қилинди. Бу 1980 йилдагига нисбатан 25 процент кўпдир. Бундай ҳужумларнинг кўпчилиги талаш мақсадида амалга оширилган. Метро транспортнинг энг хатарли тури бўлиб қолмоқда, деб қайғу билан таъкидламоқдалар. парижликлар.

* * *

ЛОНДОН. Жанубий Африка республикасидан олинган хабарларга кўра, кеча тунда Иоганнесбургнинг африкалик қаҳоли яшайдиган қисмида кучли портлашлар юз берди.

Бир қанча маъмурий биноларга катта зарар етказилди. Жанубий Африка миллий конгрессининг ватанпарварлари ўтган йил апартеид режимига қарши ҳаракатлар кўламини бир мунча кенгайтирдилар. Расмий маълумотларнинг ўзидангина маълум бўлишича, конгресс ҳарбий ташкилоти — «Умконто ве сизве» жангчилари 1981 йилнинг иккинчи ярмида бутун мамлакат территориясида 50 дан ортиқ жанговар операция ўтказдилар.

* * *

ЖАКАРТА. Оммавий ишсизлик ҳозирги Индонезиянинг энг кескин социал проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда. Маҳаллий матбуотнинг маълумотига кўра, Жакарта шаҳрининг ўзидагина кучи ва билимини сарфлаш учун иш тополмай юрган қарийб чорак миллион киши бор. Мактабларни, коллежлар ва университетларни тамомлаб чиққан йигит ва қизлар ишсизларнинг асосий қисмини ташкил этмоқда. Ишлар ишлари масалалари билан шуғулланувчи министр Абдул Ғафурнинг эътироф этишича, мамлакатда жами 14 миллион ишсиз йигит ва қиз бор.

* * *

САН-ФРАНЦИСКО. Американинг таниқли католик руҳонийси, Сан-Франциско архиепископи Жон Куинн нейтрон қуролини ишлаб чиқаришни тақиқлашга даъват этди. «Сан-хосе меркури» газетасида эълон қилинган мақоласида у бундай деб таъкидлади: «Ғарбнинг милитаристик доиралари «соф» ва сал бўлмаса «инсонпарвар» қурол деб номойиш қилаётган нейтрон бомба одамларни ёппасига қириб ташлашга хизмат қилади. Ундан фойдаланишга ҳар қандай уриниш, албатта, ядро фалокатига олиб келади».

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

БЕРЛИН. Мюнхгаузендаги микроэлектроника буюмлари ишлаб чиқариладиган корхонага немис ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Германия Демократик республикасининг биринчи президенти Вильгельм Пик номи берилди.

Корхона коллективи маҳсулот сифатини ошириш, меҳнатни ташкил этиш, материал ва энергияни тежаш учун курашда эришган юқори кўрсаткичлари учун ана шу ҳуқуққа сазовор бўлди. Ўтган йили завод маҳсулотининг 44 процента сифат белгиси билан чиқарилди.

* * *

ВЕНА. Австрияда шу ойнинг ўзидаёқ ишсизлик рекорд даражага 140—145 минг кишига етади. Мамлакат социал таъминот министри А. Даллингер телевидение орқали сўзга чиқиб, ана шуни маълум қилди. Ҳозирги вақтда Австрияда доимий иш ҳақидан маҳрум бўлган 112 минг киши бор.

* * *

ҚОҲИРА. Миср пойтахтида Қоҳира университетининг собиқ ректори Айш Шамс Абдил Азиз Сулаймон иши юзасидан суд мажлиси бошлаб юборилди. У молиявий суистеъмолчиликда айбланади. Суд материалларидан маълум бўлишича, ректор ўз лавозимидан фойдаланиб, бир неча йил давомида илмий тадқиқотлар ўтказиш учун университетга ажратилган маблағни эҳтиёжларига сарфлаб келган. Шу тариқа у 180 мингдан ортиқ Миср фунтини ўзлаштириб олган.

Молиявий қаллобликлар ва порахўрлик Миср жамиятида «Очиқ эшик» иқтисодий сиёсати шароитида гоят кенг тарқалган бир ҳолга айланиб қолди.

* * *

САН-ФРАНСИСКО. Американинг Калифорния штатидаги «Кайзер» компаниясига қарашли 18 та касалхонанинг кўз докторлари иш ташлаганлар. Улар касалхона эгалари янги меҳнат шартномасини тузишдан, меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларини қондиришдан бош тортганликлари сабабли ана шу чорани кўришга мажбур бўлдилар. Врачлар медицина ходимлари етишмаётганлиги ва иш графиги ниҳоятда тигизлиги туфайли беморларга зарур медицина ёрдамини кўрсата олмаётганликларини таъкидладилар.

* * *

ЛИМА. Перу шимолидаги Талар шаҳрининг нефтчи ишчиларидан қарийб олти минг киши 48 соатлик забастовка эълон қилди. Улар корхона эгалари касаба союзлари билан тузган меҳнат шартномасининг қоидаларига риоя қилишларини ва мамлакатда нарх-наво тинимсиз ортиб бораётганлиги туфайли иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмлар нархи Перуда 70 процентдан ҳам кўпроқ ошиб кетган.

* * *

ПЕКИН. Синьхуа агентлигининг маълумотларига кўра, 1981 йилда Хитойда 35,6 миллион тонна пўлат эритилган. 26,6 миллион тонна прокат ишлаб чиқарилган. 1981 йилда эритилган чўян 34 миллион тоннани ташкил этган.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Пльзендаги В. И. Ленин номли машинасозлик комбинати ишлаб чиқараётган «Шкода» маркали турбиналар салкам 50 та мамлакатда машқурдир. Фақат социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Чехословакиядан урушдан кейинги йилларда 300 дан зиёд ана шундай турбиналар олишди. Бу машҳур машинасозлик комбинатининг инженер-конструкторлари энергетика машиналари турларини мунтазам янгилаб беришяпти.

СУРАТДА: Кубада Камагуэй вилоятида қурилаётган электростанция учун мўлжалланган турбиналар монтажи.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ИШСИЗЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

ОТТАВА. Канадада ишсизлар сони жуда ортиб кетди. Расмий маълумотларга кўра, декабрь ойида ишсизлар 987 минг кишига етган. Бу ёлланиб ишловчи кишиларнинг 8,6 процентини ташкил этди.

Канада статистика бюроси бу рақам мамлакатда урушдан кейинги бутун даврда рўйхатга олинган энг юқори кўрсаткичларнинг бири деб тан олди. Бюро таъкидлаб ўтганидек, тамомила хафсалари пир бўлиб иш топишдан умидини узган 84 минг канадаликни ҳисобга олганда, «ортиқча» кишилар сони 1 миллиондан ҳам ошиб кетди.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Буни ҳамма билиши керак

САРИҚ ХАСТАЛИГИНИНГ АСОРАТИ

Сариқ хасталиги (вирусли гепатит) юқумли касаллик бўлиб, ташқи муҳит таъсирига ўта чидамлидир. Мана бир мисол. Сариқ вируси 56 даража иссиқда икки соат яшаши мумкин. Ўрим соат қайнатилгандан кейингина ўлади. Шунингдек, ультрабинафша нурларга чидамлилик ҳам унга хосдир. Муэлаб қолган тақдирда ҳам у бир неча ой яшайверади.

Хўш, соғлом одамнинг организмига вирус қандай тушиб қолади?

Юқумли гепатитнинг вируслари беморнинг қон томирлари бўйлаб айланиб юради, бўғланиш вақтида ташқарига чиқади. Бемор билан мулоқатда бўлган соғлом киши қўлига ва кийимига вирусларни юқтириши мумкин. Албатта, бу нарса санитария-гигиена қоидаларига амал қилинмаганда юз беради. Шу боисдан ҳам вирусли гепатитни барча ичак касалликлари қаторига қўйиш мумкин.

Вирусли гепатит бевосита бемор билан мулоқатда бўлган вақтдагина эмас, балки беморнинг нарсаларини ишлатиш йўли билан ҳам юқиши мумкин. Озиқ-овқат, мева ва бошқа буюмларда вируслар узоқ вақт яшаш қобилиятига эга. Винобарин, уларни ишлатган ёки тановвул қилган кишилар хасталикка чалинишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Дастлабки ўн-ўн тўрт кунда вирусли гепатит атрофдаги кишилар учун жуда хавфли ҳисобланади. Чунки бу даврда беморда ҳасталикнинг барча белгилари пайдо бўлмайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, вирусли гепатитнинг ўтиши умуман хасталик белгилари пайдо бўлмасдан юз бериши ҳам мумкин. Бундай ҳасталикка чалинган кишилар одамлар ўртасида касаллик тарқатиш манбаи бўлиб қоладилар.

Болалар асосан беморнинг ишлатган буюмлари (идиш, сочиқ, чойшаб)ни ишлатиш туфайли касалликни ўзларига юқтирадилар. Болалар боғчаларида эса ўйинчоқлар, эшикларнинг тутқичлари, ва шунга ўхшаш нарсалар касалликни юқтириш воситаси бўлади.

Вирусли гепатитнинг оммавий тарқалиши жуда хавфли. Бунга бир мисол келтирайлик. 1951 йилда таёқ буғи касалликни ўзларига юқтирадилар. Яширин даврнинг сўнгги кунларида касалликнинг айрим белгилари пайдо бўла бошлайди (ҳорғинлик, сабабсиз бош оғриғи, камқувватлилик, иштаҳанинг бўғилиши). Яширин даврнинг қанча давом этиши бемор организмига қанча миқдорда вирус тушганига боғлиқ бўлади. Бу даврда беморнинг жигарида вируслар астасекин кўпайиб, унинг тузилишини ўзгартиради. Айрим пайтларда жигарнинг тўқималарини ишдан чиқаради. Натижада без ва қон ташувчи капиллярлар ўртасида тўғри алоқа вужудга келади. Жигарда пайдо бўлган пигмент ошқозон-ичак трактига эмас, тўғри қонга ўтиб, унда жамлана бошлайди. Худди шу нарса сарғайишга олиб келади.

Болаларда вирусли гепатит жуда оғир ўтади. У тез-тез қайталаниб, оғир асоратлар қолдиради. Бунга сабаб боланинг жигари катталарнинг жигари сингари ҳали тўла шаклланиб бўлмаганлигидир.

Вирусли гепатит билан оғришнинг уч кўриниши бор. Дастлабки бошланиш даври касалликнинг тўла ривожланиши ва соғая бошлаш давридир.

Болаларда касаллик бирдан бошланади. Уларда ҳорғинлик, суст кашлик, тажанглик, уйқусизлик пайдо бўлади. Оғизларидан ноҳуш ҳид кела бошлайди, иштаҳаси бўғиладн. Кўкракни эммай қўйди, қорнининг ўнг томонида оғриқ сеза бошлайди, ҳарорати 38—39 даражагача кўтарилади. Айрим болаларда ҳарорат унчалик кўтарилмасдан, 37 даражада бўлиши ҳам мумкин.

Касалликка чалинган кишилар кўп ҳолларда хасталикнинг дастлабки белгиларига аҳамият беришмайди. Уз вақтида врачга боришмайди. Натижада касаллик оғирлашади, асорат қолдиради.

Яширин даврдан кейин хасталикнинг дастлабки белгилари пайдо бўла бошлайди. Лаб атрофлари, кўзларининг миллари, қулоқ орқаларида сарғайиш пайдо бўлади. Белгилар ҳар хил бўлиши мумкин— тўқ сариқ ва ним сариқ. Бу қондаги пигментларнинг миқдорига боғлиқ. Одатда касалликнинг оғир ёки енгиллигига қараб пигмент хаста кишининг қонида 5— 15 марта кўпаяди.

Сарғайиш касалликнинг энг асосий белгисидир. Бемор сарғайганидан кейин унинг иштаҳаси ўта ёмонлашади, айрим ҳолларда милкларидан ва бурнларидан қон келади.

Касалликнинг тузалиши секинлик билан кечади. Дастлабки бемор яхши ухлай бошлайди, беморнинг иштаҳаси очилади, кайфияти кўтарилади. Ана шундан кейин ундаги сарғайиш аломатлари йўқола боради.

Вирусли гепатитдан сақланиш учун биринчи навбатда озодаликка риоя қилиш лозим. Бу қоидани ҳамма билади, лекин ҳамма вақт ҳам унга амал қилиб ўтирмайди. Хасталикнинг олдини олиш учун овқат тайёрлаш қоидасига ҳам амал қилиш керак. Яхши қайнатилмаган озиқ-овқат масасаллиқларида вируслар сақланиб қолади. Узоқ қайнатиб пиширилган овқатларда эса улар бўлмайди. Ана шуларга қатъий амал қилинса, сариқ касалидан сақланамиз.

М. ОРТИҚОВ,
медицина фанлари кандидати.

Собир Раҳимов районидаги 8-туғруқхонанинг бош акушеркаси Ханифа Муҳаммедова, акушерка Мавжуда Қодирова ва туғруқхона бўлим мудири Насиба Саиджалиловалар (суратда юқорида) онанинг касаллик варақаси билан таниншмоқда.

* * *

1-шаҳар клиник касалхонаси қошидаги туғруқхонада шифокорлар ёш оналарга болани парваришлаш ҳақида маслаҳатлар беришади.

СУРАТДА: (чапда) ёш оналар чақалоқни йўргаклашни ўрганишаяпти.
М. Нуриддинов ва И. Шоиноғомовлар фотоси.

ҚАТТИҚ СОВУҚ ҚУРБОНЛАРИ

Бу йил Англияда қиш ниҳоятда совуқ келди. У инглизларга кўпдан-кўп зарар ва бахтсизликлар келтирди.

Қиш бошида ёққан қор катта-катта қорқўчкилар ҳосил қилиб, йўлларни беркитиб ташлади. Чекка жойларда транспорт деярли ишламай қўйди. Кейин эса бирданига қаттиқ изғирин совуқ бошланиб, кўпгина оилаларга зарар келтирди. Айниқса кексаларга қийин бўлди.

«Нима қиламиз, табиий офат», дея қўлларини ёнга ёйишади транспорт ва муниципиал хизмат кўрсатиш бюроси министрлари. Аммо электр приборлари, газ ва иситгичларнинг нархи шунчалик ошиб кетдики, бунга кўпчиликнинг, айниқса зўрға кун кечираётган қаталарнинг бу приборларни сотиб олишга кучлари етмаяпти. Натижада кўпчилик қаталар электр товарларини сотиб олишга қурбилари етмай, очлик ва совуқдан вафот этаяптилар. Буларни табиий офат қурбонлари қаторига киритиб бўлармикин? Нарх-наво эса кундан-кунга ошиб бораяпти. Натижада фақатгина Англия ва Уэльснинг ўзида (Шотландия ва Ольстерни ҳисобга олмаганда) ҳар куни тахминан совуқдан ва очликдан 600 киши ҳаётдан кўз юмаяпти. Қиш бошланганидан буён 12.600 киши совуққа чидолмай ўлиб кетди.

ТЎҚНАШУВЛАР ТАЛҚИНИ

Театр

Адабиёт ва санъатда иллатларни фош этиш йўллари кўп. Салбий кучлар рақиблари билан ғоявий-руҳий тўқнашиш давомида фош бўлиб бораркан, айрим ҳолларда ижобий қаҳрамонлар жангнинг бошидан охригача қатнашмайди, жанг эстафетасини ўзаро бир-бирига ошириб ҳам бормайди. Конфликтни шу тарзда ишлаш билан эмоционалликка эришиш осон иш эмас. Чунки ижобий персонажлар конфликтнинг бошланишидан тугаланишигача қатнашмаслиги важидан томошабинни босқичма-босқич қизиқтириб бормайди. Қизиқтирувчанликни салбий персонаж воситасидагина таъминлаш эса ижодкордан катта маҳорат талаб қилади.

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри коллективи Машраб Бобоев пьесаси асосида яратган «Гурунг» спектаклида фош этиш санъатининг ана шу усулидан моҳирона фойдаланилган (Асарни театрнинг бош режиссери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, А. Д. Попов номидаги ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари лауреати Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган).

Спектаклда бошдан-оёқ фош этиш руҳи билан ҳукмрон. Фош этилувчилар — сохта олим Шоди ва юлғич савдо ходими Орифхон образлари ўзларининг мансуб тоифа руҳиятини, характерларини очиб беради.

Бу икки шахс, шунингдек тошкентлик меҳмон — Шодини кўргани келганлар орасидаги гурунгнинг тобора қизиши давомида характерлар очила боради. Характерлар бевосита ҳаракатда, дунёқараш лар тўқнашувида намоён бўлади, конфликт қаҳрамонларнинг зиддиятли ситуацияларида ривожланади. Бундай ситуацияларга қаҳрамонлар бир-бири фикрига бефарқ қарай олмаслиги туфайли тушади.

Аслида Шоди кўпдан бери онаизори ҳолидан хабар олмай, фарзандлик бурчини унутган шахс. Лекин таъна-маломатлар туфайли унинг онгида ҳудбинлик билан фарзандлик бурчи олишуви ҳам юз беради. Лекин барибир ундаги лоқайдлик устун келади. У шунчалик бағритош, бемеҳр, маишатпарастки, уни бу иллатлар ботқоғидан олиб чиқиш бениҳоя мушкул.

Спектаклда Шодини тарбиялашнинг мушкуллиги бутун муракабликлари билан берилган. Автор ғоясини очишда салбий ва ижобий персонажлар образини ўсталик билан яратган актёрлар маҳоратини таъкидлаш лозим. Бу жиҳатдан Азаматнинг Шоди ва Орифхонга муносабати, Шоди ва Орифхоннинг Абдувалига муносабати, айниқса Абдували руҳиятидаги алғов-далғовлар характерлидир. Юқорида айтганимиздай, бу ерда ҳам шароит характерлар ҳаракатига қулай. Типик характерлар типик шароитда ҳаракат қилади. Бу ерда драматик ҳолатлар персонажларнинг ўзига хос характерлари туфайли юзага чиққан. Чунончи, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов талқинидаги Шоди шаънига ёғиладиган маломатларга бефарқ қарай олмайди. Шу важдан ҳол-аҳвол сўраганларга олди-қочди, ёлғон-ящиқ жавоблар айтиб, гўё беташвишдай кўринади-ю, аслида дардли. Буни артистнинг қаҳрамони зоҳиран хурсанд-у ботинан ғамгинлигига хос ҳолат ифодаларидан ҳам осонлик билан пайқаш мумкин. Унинг суҳбатдоши— Азамат (Ўзбекистон ССР халқ артисти Пўлат Саидқосимов) киши нуқсонларини ўзига дангал айтадиган, дўст сифатида ачитиб гапириб, узиб оладиган, ёлғон билан ростни одамнинг характери ва ҳолати мантиқидан сезгирлик билан пайқайдиган шахс. Шунга кўра, у Шодининг ичи бошқа-ю сирти бошқалигини билиб турса-да, аммо уни фош қилишга мезбонлик андиша-си йўл қўймайди. Айни чоғда, унинг нуқсонларига бефарқ ҳам қарай олмайди. Бу руҳий драмани Азаматда меҳмоннинг баландпарвоз сўзлари туфайли юз берадиган психологик кечинмаларни артист юз, кўз, қош ҳолатларида санъаткорона ифодалайди. Азаматдаги бундай кечинмалар меҳмоннинг бемаъниликлари таъсирида зўрайиб, уни фош этишгача олиб боради. Натижада Азаматнинг меҳмони меҳмонлигига қарамай «савалаши» туфайли Шоди драмаси ҳам кескинлашади. У жоҳил, лўтмасдан, сохта олим сифатида фош бўлади.

Шодининг яна баъзи сифатлари Абдувалига муносабатида ҳам равшан кўринади. Шодининг юлғичлиги билан Абдувалининг ҳалоллиги ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар келиб чиқади. Шоди Абдували отанинг участкалик ерини сўрайди. Бу истакнинг рад этилишини у ҳудбинлик билан қабул қилади ва Абдували отани калака қилиб, лақиллатмоқчи, таҳқирламоқчи бўлади. Абдували ота Улуғ Ватан урушидан оғир руҳий дард билан қайтган. Соддалигидан иззатини билмаган меҳмонни сийлайди, ирода-сиз бирон бўзини босиб туради. Лекин меҳмон ҳаддидан ошиб, уруш ветерани ифтихорини, ғурурини топташгача бориши ота изтиробини аланглатади. У гўё «портлайди». Абдували ота ҳалокати олдидан бу қотилни ўлдирмаса, у яна қанча-қанчаларнинг ёстиғини қуритишини ўйлаб, унга яралган шердай ҳамла қилади, инсоний идеаллар содиқ шахс сифатида меҳримизни қозонади.

Қарама-қарши характерлардаги бундай ўта ёмонлик ва ўта яхшилик белгилари бутун муракабликлари билан ниҳоятда эмоционал намоён бўлган. (Абдували— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов). Шу боисдан ота ўлса-да, руҳан мангуликка тирик қолади, ҳаётдаги Шоди каби маразиларга қарши кескин курашга чорлаб қолади.

«Гурунг» спектаклида баъзи ўринларда томошабинни толиқтириб-зериктирибгина қўйдиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Орифхон фақат бир жойда — Азамат томонидан фош этилаётганидагина ташвишли, бошқа жойларда эса деярли беташвиш кўринади. Бутун гурунг давомида суҳбатдошлари сўзларини беташвишларча тинглайди, лоқайдларча муносабатда бўлади. Шунинг учун бу икки шахс суҳбати бироз зерикарли ўтади. Агар Орифхоннинг Шодини қўлга олиши асар финалигача тобора чиғаллашиб борганда Орифхон тақдири бирон бир жиддий хавф остида қолганда бу юлғич образи драматизм билан етарлича таъминланади. Шунда унинг Шоди билан суҳбатига қизиқиш ошарди. Бунинг учун Шодига ҳам баъзи сифатлар берилиши, улар суҳбати мураккаблаштирилиши ва тақозо этилади. Шоди образи билан боғлиқ ситуацияларда ҳам драма етарли эмас. Бунинг йўли топилган-у, аммо автор ҳам, режиссёр ҳам уни меъёрига етказмаган.

Шу боисдан мазкур икки шахс орасида узоқ давом этадиган суҳбатда драматизм деярли йўқ. Дарвоқе, драматизм «фақат суҳбатда эмас, балки ғаниқувчиларнинг бирбиринга нисбатан ҳаракатидадир, — деган эди В. Г. Белинский, — агарда масалан, икки киши бир нима тўғрисида баҳслашса, бу ерда фақат драма эмас, балки драматик элемент ҳам йўқ, аммо баҳслашувчилар бирбиридан устун чиқиш учун, бир-бирларининг характерларини қандай бўлмасин бирон томонини босиб қўйишга, ёки руҳнинг заиф қилларини чертиб қўйишга уринсалар ва бу нарса орқали уларнинг характерлари очилса, ниҳоят, баҳслашув уларни бирбирларига нисбатан янги муносабатда бўлишга мажбур қилса — бу нарса драма деб аталиши мумкин. Драмада муҳим нарса узундан-узоқ ҳикояларнинг йўқ бўлишидир. Ҳар бир сўз драмада ҳаракат — амал билан ифодаланиши лозим». Бошқа образларга нисбатан Шоди билан Орифхон образларида, улар орасидаги суҳбатда саҳна асари табиатининг ана шу бош белгиси кўзга камроқ ташланади.

Машраб Бобоев — драматургияда маълум тажриба орттирган ижодкор. «Гурунг»нинг саҳналаштирилиши давомида унинг ижодий тажрибаси анча бойиди.

Асардаги фош этиш санъатининг таъсирчан кучи, етакчи актёрларимиз томонидан асосий ролларнинг муваффақиятли талқин этилиши туфайли спектаклнинг ғоявий концепцияси томошабинга яхши етиб борган. Шу туфайли Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган «Гурунг» спектакли томошабинларга манзур бўлди.

Б. ҒУЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

* * *

СУРАТДА: шу спектаклдан бир саҳна.
С. Маҳкамов фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. МАҲКАМОВ: Мен пенсионерман. Лекин заводда ишлаётган эдим. Саломатлигим яхши эмаслиги сабабли ишдан бўшамоқчиман. Айтингчи, бундай ҳолларда мен маъмуриятни қанча муддат илгари ўз ниятимдан хабардор қилишим керак?

Жавоб: Ўзбекистон ССР нинг меҳнат тўғрисидаги Кодексининг 33-моддасига мувофиқ ўз ихтиёри билан ишдан бўшамоқчи бўлган барча ишчи ва хизматчилар (шу жумладан ишлаётган пенсионерлар ҳам) корхона ёки муассаса маъмуриятини бир ой аввал ёзма равишда ўз мақсадидан воқиф этишлари керак. Бу муддат ишлаб чиқариш манфаатларини кўзлаб, кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришни кўзда тутиб, шунингдек, маъмуриятнинг ишдан бўшаётган одам ўрнига бошқа ходимни танлашини ўйлаб қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Агар ишдан бўшаётган шахс ўрнига ишга қабул қилинадиган ходим аниқ бўлса, маъмурият ишдан бўшамоқчи бўлган ходим билан бир ойлик муддат тугагунга қадар меҳнат шартномасини узиши мумкин.

* * *

Р. МАВЛОНОВ, С. ВОҲИДОВ ва бошқалар: Ижро варақаси бўйича алиментлар тўланмаган вақтда ҳосил бўлган қарзларни қарздордан қандай қилиб ундириш мумкин?

Жавоб: Ижро варақаси бўйича алиментлар тўланмаган вақтда ҳосил бўлган қарзлар қарздордан ижро варақа алимент ундириш учун тақдим қилинганга қадар ўтган уч йилдан ошиқ бўлмаган муддат учун ундирилиши мумкин.

Ундиришга тақдим қилинган ижро варақаси бўйича алиментлар жавобгар қидирилганлиги сабабли ундирилмаган бўлса, белгиланган даъво муддатидан ва таъминоти учун алимент ундирилаётган шахснинг вояга етганидан қатъий назар, алиментлар ўтган ҳамма вақт учун ундирилади.

* * *

О. МУҲАМЕДОВ: Статистик маълумотларга кўра мамлакатимиздаги шаҳарларда истиқомат қилаётган аҳоли сони йил сайин ошиб боряпти. Бу боисдан менга бериши мумкин ва бир миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар сони қанчага етди?

Жавоб: 1979 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра мамлакатимиз шаҳарларидаги аҳоли 163,6 миллион кишини ташкил этди. Бу барча аҳолининг 62 процентга демакдир. Ана шу даврга келиб, мамлакатимизда юз мингдан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар сони 272 тага етди. Агар 1917 йили ярим миллиондан зиёд аҳолиси бўлган шаҳар бор-йўғи иккита бўлган бўлса, кейинги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра бундай шаҳарларнинг сони 45 тага етди. 1970 йили аҳолиси бир миллиондан зиёд бўлган шаҳарлар сони ўнта бўлган бўлса, орадан 9 йил ўтгач уларнинг сони 18 тага етди. Бу миллионер шаҳарлар қаторига Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Боку, Харьков, Горький, Новосибирск, Минск, Куйбишев, Свердловск, Днепропетровск, Тбилиси, Одесса, Омск, Челябинск, Ереван, Донецк шаҳарлари киради. Янги йил арафасида бу миллионер шаҳарлар қаторига қардош Қозоғистон ССРнинг пойтахти— Олмаота шаҳри ҳам қўшилди.

* * *

Ш. НАБИЕВ: Айтингчи, транзисторли приёмникларни қаерда ремонт қилдириш мумкин?

Жавоб: Бу хусусда Чилонзор массивининг Пионер кўчасидаги 27-уйга мурожаат қилинг. Бундан ташқари Ленин районидаги телеателье қошида ва «Марказ—7» кварталидаги «Транзистор» салонида ҳам ана шундай ремонт ишлари бажарилади.

• Шифобахш неъматлар

МАРМАРАКНИНГ ХОСИЯТИ

Об-ҳаво салқин олиши билан аксарият чиниқмаган кишиларда нохуш хасталиклар пайдо бўла бошлайди. Томоқ оғриғи шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталиклардан ҳисобланади. Мана шу дарддан ҳоли эта оладиган беозор даволар мавжуд бўлиб, уни ўз ўрнида ишлатилса, сўзсиз ижобий таъсирини намоён этмасдан қўймайди. Қуйида табиат неъматлари билан томоқ оғриғидан холос бўлиш йўллари билан таништириб ўтамиз.

Гиёҳхоналар бисотида мармарак ўти («Трава шалфея») мавжуд бўлиб, у ўзининг серҳислатлиги билан ажралиб туради. Мармарак бизнинг ўлкамизда кенг тарқалган бўлиб, у асосан тоғларимизнинг ён бағирларида, қир-адирларда учраб туради. Уни биз маврак ёки зиғирак деб ҳам аталимиз.

Мармарак ўз таркибида жуда кўп фойдали моддалар сақлагани туфайли уни фойдаланиш кўлами кенг. Жумладан, ўсимлик таркибида крахмал, қатрон, хурушловчи ва ошловчи моддалар, минерал ҳамда эфир мойлари, витамин С, флавоноидлар ва яна бир қанча шифобахш моддалар жо бўлган.

Мармарак ўсимлигидан тайёрланган доривор дамлама шамоллаш касалликлари, айниқса, томоқ оғриғида жуда фойдали ва натижали таъсирини кўрсатмасдан қўймайди. Шунингдек, мармарак асосида тайёрланган дамлама ва қайнатмалар меъда-ичак касалликлари, юрак хаприқиши, сурункали бронхит, буйрак шамоллаши, жигар оғриғи, ўт пуфаги хасталиклари, пешоб тута олмаганда ижобий натижасини кўрсатиши мумкин. Хитой халқ табобатида мармарак киши организмини мустаҳкамловчи, унга дармон бағишловчи омил сифатида тавсия этилиши билан бирга, тащқи муолажа кўринишида сурункали тери касалликларида ишлатилади.

Ҳозирда «Гиёҳхона»ларда мавжуд бўлган мармаракдан томоқ оғриғи (бодомчаларнинг яллигланиши, тиш ва тангалайларнинг илвиллаши, карақ тортиши ва яна бошқа) касалликларда жуда жўн ва мутлоқ зарарсиз даво сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қуйидагича оддий амалдан (бу ёрлиқчада баён этилган) фойдаланилади: мармарак ўсимлигидан шифоли дамлама тайёрлаш учун оғзи беркитиладиган идишга 2 стакан (ярим литр атрофида) қайноқ сув қуйилади, устига эса мармаракнинг майдаланган маҳсулотидан бир ош қошиқ солиб, икки соат давомида дамлаб қўйилади. Сузиб олинган шарбатида оғиз чайқаш учун фойдаланиш мумкин.

Д. ХУЖАЕВА.

СЎЗ МУЛКИГА САЁҲАТ

Ангрен— бу пойтахт областимиздаги шаҳар номи. Оҳангарон дарёси водийсида кўмир конлари топилиши (1940 йил) муносабати билан 1941 йилда дарёнинг чап соҳилида, Жигаристон сойи яқинида кўмир қазувчиларнинг биринчи уй-жойлари қурилди, 1946 йилда бу жойларда Ангрен шаҳри барпо этилди, олимлардан З. Дўсимов ва Х. Эгамовларнинг аниқлашича, ангрен сўзи тожикча оҳангар — «темирчи» сўзининг фонетик ўзгаришга учраган формасидир.

Барнаул — шаҳар номи. Бу Олтой ўлкасининг марказидир. Кўпчилик тадқиқотчилар Барнаул туркий сўз деб биладилар. Шу асосда унинг «янги қишлоқ, яхши овул» каби изоҳлари бор. Шу номда дарё номи топонимга асос бўлди, деган фикр ҳақиқатга анча яқин. Барнаул келт тилида «Бўри дарё» деган маънони беради.

Вобкент — Бухоро областидаги қишлоқ номи, Вобкент райони маркази. Ўғуз шевларида воб ёки вахоб сўзи «бўз ер, қуруқ ер» деган маънони билдиради. Винобарин, Вобкент «бўздаги, қўриқдаги қишлоқ» демакдир.

Гузар — қишлоқ, Фарғона, Андижон ва Тошкент областларида. Гузар сўзи тожикча «ўтиш, кечиб ўтиладиган жой» маъносидадир. Ўзбек тилида бир қанча маънода, жумладан «маҳалла, квартал, обод, серқатнов, гавжум жой» маъноларини билдиради. Топоним сифатида ва номлар таркибида кўп учрайди.

Октябрь районидаги 59-ўрта мактаб ўқитувчилари ўқув ва тарбия ишларини юксак савияда олиб боришмоқда. Сиз суратда (чапдан) шу мактабнинг ўқитувчилари Мушарраф Носирова, Олимжон Идаев, Исо Сахаев ва Вера Кайсуларни ўзаро суҳбат пайтида кўриб турибсиз.
И. Шоиноғомов фотоси.

Илм-фан—беш йилликка

ЯНГИ БУҒДОЙ НАВИ

Украиналик олимлар яратган кузги «парус» бўғдой нави синовдан яхши ўтди. У кенг кўламда экиш учун тавсия қилинди.

Янги навнинг асосий фазилати шуки, у серҳосиллик билан жуда яхши технологик сифатларни мужассамлаштирган. Макарон маҳсулотлар ва ёрам тайёрлашда бу айниқса қўл келади.

Социалистик меҳнат қаҳрамони, ВАСХНИЛ академиги Ф. Кириченко раҳбарлигида Бутуниттифоқ селекция-генетика институти олимларининг коллективи шундай навни чиқаришга муваффақ бўлди.

Бу нав жануб шароитларида қурғоқчилик ва қаттиқ қишга ҳам бардош беради, касалликка чидамлидир. «Парус» Херсон областининг далаларида синаб кўрилганида гектар бошига 60 центнердан дон берди.

Республика селекционичилари деҳқонларга ўн биринчи беш йилликда экиш учун 12 нав кузги бўғдой уруғликларини бердилар.

(ТАСС).

КЎЧМА... ЗОВУР

Туркманистон гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг олимлари ишлаб чиққан янги метод ер ости зовур тармоқларини ётқизмаган ҳолда катта-катта суғорма массивлар шўрини қочиришга ёрдам беради. Шўр ювиш чоғида даланинг шўр босган участкасига игна фильтр трубалар келтириб ерга қоқилади. Эриган туз шу трубага уланган енгил полиэтилен трубалар орқали суғорма зонадан ташқарига чиқариб ташланади. Шундан сўнг система навбатдаги ювиладиган массивга олиб ўтилади.

Чоржўй районидаги «Москва» колхозининг оғир тупроғида ўтказилган синовлар кўчма зовурдан фойдаланиш янги ерларни одатдагидан уч баравар тезроқ ўзлаштиришга имкон беришини исбот қилди. Ҳар бир система 30 гектаргача ерга хизмат қилади ва одатдаги зовурга нисбатан қарийб беш баравар кўп сувни тортиб чиқаради.

Бу йил Чоржўй области бошқа хўжаликларидаги шўрҳоқ участкаларда шундай зовур қўллаш мўлжалланади.

(ТАСС).

Мамлакатлар одамлар одатлар

АЖДАР ОВИ

Б. ВИНОГРАДОВ

Лиен — кўпи кўрган ва забардаст овчи. У бир вақтнинг ўзида Толстойнинг Ерошкаси ва Арсеньевнинг Дерсу Узаласини эслатади. Табиатга нақадар меҳр қўйган бўлса, унинг ақл бовар қилмайдиган ишлари олдида шу қадар бош эгади.

Атрофдаги Вьетнам қишлоқларида Лиенни овчи ва (кўп тилни биладиган) полиглот сифатида яхши билишади. У ўнта маҳаллий тилни яхши билади ва ҳамиша мўйсафидлар билан гаплашганда фақат уларнинг она тилида мулоқатда бўлади. Бу маҳаллий аҳолига ёқади ва унга нисбатан ҳурмат ва ишончларини оширади; мағрур ва содда мео уруғида бунга эришиш осон иш эмас. У маҳаллий халқ билан хайрлашаётганда, унга албатта тамғхат илдизидан тайёрланган бир шиша шароб беришади, бу шароб ажойиб женьшень сингари шифобахш хусусиятга эга, устига-устак чойхўрлар томонидан юқори баҳоланадиган бир ўрам «қор чой» беришади. Қор чой дейилишининг сабаби, қуритиш вақтида чой барги оппоқ бўлиб қолади.

Кеча Лиен Патан қишлоғидан қайтиб шундай деди:

— Тайёрланинг. Эртага эрталаб аждарга борамиз. Дўстларим тоғдан қайтишибди. Патан яқинида изини кўрдик дейишади. Чан ўйқудан уйғониб, биринчи ёмғир ёғиши билан инидан чиқибди.

Лиен аждани Чан деб атайди. Пўлбарс, тўғриси ови унча қийин эмас, дейди у: Чанни овлаш эса санъат. Қиш уйқуси тугагач, уруғчи илон қурқ яроқ ва ҳашаклардан тайёрланган ўрдасига тухум қўяди. Эркак илон ўз маъшуқаси ва ўзига егулик ялаб кетади. Бир ўнда 30 га яқин тухум бўлади. Она илон тухумдан илончалар ёриб чиқишини кутади, сўнг улар билан абадий хайрлашади. У овқат тайёрлаш учун кетган дўсти ёнига кетади. Илон болалари ўз ғамларини ўзлари ейишади, уларнинг қун кечиришлари учун қўнғиз, ҳашарот, бақалар кифоя.

Лиен аждар ови қандай бўлишини қайта-қайта бизга завқ билан ҳикоя қилиб берди. Бу ҳолда бизнинг қувонч ва бетоқатлигимизни кўрсангиз эди. Лиен ҳамиша бу ҳолда ўзини мағрур ва сипо ушлашга ҳаракат қилар, биз бунданг унинг эртаги кунда «жунгли аждари» билан бўладиган учрашувдан ҳаяжонланаётганини кўрардик.

Ўрмонда ҳайвонлар кўринмаслиги — у ерда аждар борлигининг биринчи белгиси. Ҳайвонлар аждардан ўларча қўрқишади. Чан одам билан тўқнашмасликка ҳаракат қилади, мабодо тиканлар орасидаги энсиз сўқмоқда у билан учрашиб қолдингизми, сизга ҳужум қилиши мумкин. Ўқ ота кўрманг — худо сақласин. Чан ўзининг кучи ва сизнинг қўрқинчингиз бу пайтда қандайлигини яхши билади. Битта йўл бор: тезда ўзни четга олиш — у қанчалик тез бўлса, шунча яхши—тиканзорга қочиш, чанга йўл бўшатиш зарур.

Биз иўлдан Бабэ қўли томон бордик. Қояларда эрталабки хира нур аста ёришиб таранг тортилган оқиш, сурп дастурхон ёзди, нам водий устида туман қалқиди. Анча салқин эди. Икки соатдан кейин қишлоққа кириб келдик. Тоғ ортидан қуёш кўтарилиб, сўнгги туман парчаларини ўз домида эритиб борарди. Машинани йўлдаги қўриқчига қолдириб, пиёда йўлга тушдик. Ўз няшани олдида бизни кутиб турган тоғлар ишлари кўрган ва забардаст овчи. У бир вақтнинг ўзида Толстойнинг Ерошкаси ва Арсеньевнинг Дерсу Узаласини эслатади. Табиатга нақадар меҳр қўйган бўлса, унинг ақл бовар қилмайдиган ишлари олдида шу қадар бош эгади.

Атрофдаги Вьетнам қишлоқларида Лиенни овчи ва (кўп тилни биладиган) полиглот сифатида яхши билишади. У ўнта маҳаллий тилни яхши билади ва ҳамиша мўйсафидлар билан гаплашганда фақат уларнинг она тилида мулоқатда бўлади. Бу маҳаллий аҳолига ёқади ва унга нисбатан ҳурмат ва ишончларини оширади; мағрур ва содда мео уруғида бунга эришиш осон иш эмас. У маҳаллий халқ билан хайрлашаётганда, унга албатта тамғхат илдизидан тайёрланган бир шиша шароб беришади, бу шароб ажойиб женьшень сингари шифобахш хусусиятга эга, устига-устак чойхўрлар томонидан юқори баҳоланадиган бир ўрам «қор чой» беришади. Қор чой дейилишининг сабаби, қуритиш вақтида чой барги оппоқ бўлиб қолади.

Кеча Лиен Патан қишлоғидан қайтиб шундай деди:

— Тайёрланинг. Эртага эрталаб аждарга борамиз. Дўстларим тоғдан қайтишибди. Патан яқинида изини кўрдик дейишади. Чан ўйқудан уйғониб, биринчи ёмғир ёғиши билан инидан чиқибди.

Лиен аждани Чан деб атайди. Пўлбарс, тўғриси ови унча қийин эмас, дейди у: Чанни овлаш эса санъат. Қиш уйқуси тугагач, уруғчи илон қурқ яроқ ва ҳашаклардан тайёрланган ўрдасига тухум қўяди. Эркак илон ўз маъшуқаси ва ўзига егулик ялаб кетади. Бир ўнда 30 га яқин тухум бўлади. Она илон тухумдан илончалар ёриб чиқишини кутади, сўнг улар билан абадий хайрлашади. У овқат тайёрлаш учун кетган дўсти ёнига кетади. Илон болалари ўз ғамларини ўзлари ейишади, уларнинг қун кечиришлари учун қўнғиз, ҳашарот, бақалар кифоя.

Лиен аждар ови қандай бўлишини қайта-қайта бизга завқ билан ҳикоя қилиб берди. Бу ҳолда бизнинг қувонч ва бетоқатлигимизни кўрсангиз эди. Лиен ҳамиша бу ҳолда ўзини мағрур ва сипо ушлашга ҳаракат қилар, биз бунданг унинг эртаги кунда «жунгли аждари» билан бўладиган учрашувдан ҳаяжонланаётганини кўрардик.

Ўрмонда ҳайвонлар кўринмаслиги — у ерда аждар борлигининг биринчи белгиси. Ҳайвонлар аждардан ўларча қўрқишади. Чан одам билан тўқнашмасликка ҳаракат қилади, мабодо тиканлар орасидаги энсиз сўқмоқда у билан учрашиб қолдингизми, сизга ҳужум қилиши мумкин. Ўқ ота кўрманг — худо сақласин. Чан ўзининг кучи ва сизнинг қўрқинчингиз бу пайтда қандайлигини яхши билади. Битта йўл бор: тезда ўзни четга олиш — у қанчалик тез бўлса, шунча яхши—тиканзорга қочиш, чанга йўл бўшатиш зарур.

Биз иўлдан Бабэ қўли томон бордик. Қояларда эрталабки хира нур аста ёришиб таранг тортилган оқиш, сурп дастурхон ёзди, нам водий устида туман қалқиди. Анча салқин эди. Икки соатдан кейин қишлоққа кириб келдик. Тоғ ортидан қуёш кўтарилиб, сўнгги туман парчаларини ўз домида эритиб борарди. Машинани йўлдаги қўриқчига қолдириб, пиёда йўлга тушдик. Ўз няшани олдида бизни кутиб турган Кхат—Лиеннинг ўртоғи бизга қўшилди.

Кхатнинг айтишига кўра, аждар ўз овини пойлаш учун одатда сўқмоқ ёнида пистирмада ётар экан. Бу қийидагича бўлар экан. У думини дарахт шохига илиб, гавдасини дарахт танасига ёпиштирган ҳолда бошини ерга қўйиб ётаркан. Шу ҳолда, ҳеч ўзгармай бир неча кун туриши мумкин. Оху, чўчқа ёки бошқа бирорта ҳайвон дарахтга яқинлашгани ҳамоно чан думи билан зарб уриб, овини қамчилагандек оёғидан ағдаради ва дарҳол чулғаниб бўға бошлайди. Сўнг ютиш осон бўлсин учун унинг суягини эзиб синдиради. Биринчи овини ургочи аждарга қолдиради, сўнг бу ерда пистирма қуриб турмайди.

Аждар ўлкасини ютиб, уни уч ойга яқин ҳазм қилади. Яқинда овқатланган аждар билан учрашиб қолсангиз қўрқмаслигингиз мумкин. Ундан ювош маҳлуқни топиш қийин. Унинг жағини силашингиз, қўтаришингиз мумкин—сизнинг ихтиёрингизда. Лиеннинг айтишича, бу ов эмас эмиш. Дўстимиз оч, ҳавфли ва кучли аждарни овлашга ўқтиради. Бизнинг ҳаммамиз белимизга чощқи қистириб олганмиз, елкамизда милтиқ, қўлимизда оғир таёқ.

Қалин ўрмон билан қопланган баланд ясси тоғ қаршисидан чиқиб қолдик. Чуқурликда Бабэ қўлининг кўм-кўк сатҳи мавж урмоқда. Балиқчилар ўнсиз тошлар устида тоз туриб тўр ташлашмоқда. Мовий қўлнинг майин салқини ўзига ром қиларди, бор юкин улоқтириб тиниқ сувга шўнғигинг келади. Аммо овчилар «ҳар нарсага оғиз очмай» тезроқ юришга ундашар эди. Оз—бандаликдан ҳам қийин, деганлари ҳақ гап экан.

Лиен биладики: бўғма илон ўз қурбонини қувлашда ўрмалар экан, кўкатда ҳеч қандай из қолдирмайди. Думининг учи билан изини «ўчириб», эзилган кўкатларни тиклаб боради. Шунинг учун изларни кўл яқинидаги ирмоқчалардан излашга қарор қилинди. У ерда, ботқоқ текислик ёки нам қумликда излар эртароқ кўзга ташланади.

Еввойи бутазорлар орасида тўрт соат овора бўлгандан кейин, овчилар ниҳоят ўзлари изларан нарсани топдилар. Жарликлардан бирида; терскат томонда нам тупроқ устида пастдан юқорига кўтарилган хира чизиқ билан тўқнашишди. Лиен бу жойни қўли билан сийпаб кўрди. Майда қиров томчилари яқиндагина босилганини аниқлади. Энди ҳар уч қадамда бир тўхтаб олга силжишди. Биз елкадан милтиқни олдик, аммо Лиен сира ўқ узмасликни ишора билан кўрсатди.

— Ёғоч етарли,—деди у ва кўзини қисди:—Бунинг устига санзей арқон ҳам бор.

Санзеи усимлигининг ажойиб хосияти ҳақида кўп эшитганмиз. Ташқи кўринишда у ўсимлик лианага ўхшайди— ингичка, узун, аммо эўр эгилувчан. Шимолий-ғарбий Вьетнамнинг субтропик ўрмонларида у абадий яшил эман ва дафна дарахтлари орасида учрайди. Бу дарахт мойидан тайёрланган арқонлар пишиқликда денгизчиларнинг кема арқонларидан қолишмайди.

Орадан ўн минут чамаси ўтгач, қамиш ва бута билан қопланган кичик текисликка чиқдик. Бошимиз устида қамиш попуклари чайқаларди. Лиен ўрнида қотиб, бутун вужуди қулоққа айланди. Унинг юзига назар ташлаган киши аждар шу яқин ўртада эканига дарҳол тушунарди. Ёғоч ва чопиқларни тайёрлаб биз аста олга ҳаракат қилдик. Оёқ остида ўтлар ғарчилларди, худди биз шиша парчалари устидан юраётганга ўхшардик.

Кутилмаганда кўз олдимизда аждарнинг қора бошн пайдо бўлди, у тиканлари сариқ игнадек ўсимликлар устида муаллақ турарди. Аждар қимирламай бизга қаради, кузини бир нуқтага қадаб бизни гипноз қилмоқчи ёки сўнгги ҳаракатимизни кузатаётгандек бўларди. Кўзлари ўртасидаги ялтироқ пардалар устида ўрмалаётган пашшаларни бемалол кўриш мумкин эди.

Энди нима қилиш зарурлигини биргина Лиен биларди, холос. У астагина бўғма илонга қарши борди, аждарнинг кўзига тик қаради. Бу худди болаларнинг кўз қочириш ўйинига ўхшар эди. Кимки кўзини биринчи бўлиб юмса ёки олиб қочса ўша ютқизади. Лиен худди мураккаб комерни ижро этаётган иллюзиончи янглиг чап қўлини аста кўтарди, аждарнинг эътиборини чалғитди. У даҳшатли вишиллаб, бошини кўл ҳаракат қилаётган томонга бурди. Шу пайт Лиен тўқмоқ суйилни кескин олдинга ташлаб, аждарнинг бошига зарб билан урди. Чап довдираб қолди, унинг гавдаси қалтираб, бошидан думи томон аста кўтарила бошлади; гаранг қилинган аждар гўё ўз умуртқаларининг ва бақувват мускулларининг сақланиб қолганлигини синаётгандек бўларди. Лиен, ундан кейин биз ҳам бир зумда илонинг кулча бўлган гавдасига санзейдан қилинган арқон сиртмоқларни ташладик. Илоннинг гавдаси яна бир бор ҳаракатга келиб, кулча оғир ҳолатда ёзилди. Аждар қимирламай қолди. Лиен у томон сакраб, арқонинг бир учини ушлади ва тез, машқ қилинган ҳаракат билан чўпоннинг новвосинг оёғини тушовлагандек аввал илоннинг бошини ўради, кейин бутун баданини чирмади. Бу орада Кхат чакалакзорга кириб бамбук ёғоч кесди. Унинг барглари тозаланиб, аждарнинг совуқ ва силлиқ баданини машина шинасидек маҳкам чирмаб қўйишди. Тамом. Ов тамом бўлди ҳисоб. Вазни 35 килограммлик овни қишлоққа олиб бориш қолди холос.

— Санзей чанга сеҳрли таъсир кўрсатади,— жилмайди Лиен.— Бошқа ҳеч қандай арқон ёрдам беролмайди. Жуда кўп воқеалар бўлган.

Баъзилар милтиққа ишонишади, фикр юритади овчи. Отиш ҳам мумкин, аммо яралганган аждар ҳар қандай ҳайвондан ҳам даҳшатли ва хавфлироқ. У домига нима илашса, ҳаммасини мажақлайди. Иўғон бамбук унинг қучоғида ғарчиллаб худди ер ёнғоқдай чарсиллаб ёрилади. Ҳатто ўқ ери боши билан ҳам танаси анчагача тирик қолади, унга яқинлашиш ниҳоят ҳавфли. У қонга беланиб ётса ҳам ёнига яқинлашиш қийин. У ёриқ ерга ўрмалаб бориб, чуқур ин ёки ғоға ящирининга ҳаракат қилади. У ерда ҳалок бўлади, ёки ҳолдан тойган аждарни турли ҳайвонлар ҳомталаш қилишади.

Кечқурун биз қишлоққа қайтиб келдик. Кхатнинг уйига одамлар тўпланишди. Бизни ўлжа билан табриклашди. Қишлоқ болалари бизга зўр қизиқиш билан қарашар, бамбук қафаса қамаб қўйилган илонга нисбатан кўпроқ бизга эътибор беришарди.

Кхатнинг айтишига кўра, маҳаллий аҳоли — мсо ва мионгларда аждар «муқаддас» жонивор ҳисобланади, унинг гўштини тановвул қилишдан олдин махсус одатга кўра дуо ўқиш ва уни даф этиш қўшиқларини ижро этиш зарур. Аждарнинг гўшти ширинми ёки бемазами — бу бошқа масала. Энг муҳими, у фойдали кўпгина касалликка даво сифатида барча касаллар ва дардмандларга тавсия этилади. Кўпчилик дардга шифо. Уни пишириш махсус белгаан кишиларга топширилади. Ҳар хил ўсимлик ва кўкатларнинг суви билан пиширилади. Аждарнинг умуртқаси билан думининг учи рецепт билан суртки тайёрлашга ишлатилади. Бу усул қадим замонлардан бизга қадар етиб келган.

Эрталаб биз ноғораларнинг янгроқ овози ва кхепанинг мунгли, қўшнайга ўхшаш ёқимли куйи остида уйғондик. Лиен бизга қувноқ кўз қисиб, лунжини шиширган ҳолда кандайдир мунгли оҳангни хиргойи қиларди.

Бир тўда болалар кузатувида унча катта бўлмаган қоронги жилғадан оқиб тушаётган шаллолага тушиб юзимизни ювдик ва дастухонга йўл олдик. Дам олиш куни бўлганлиги туфайли деярли бутун қишлоқ аҳолиси тўпланди. Тонг отарда фақат бир неча кишилар бозорда сабзавот сотиш ва бирорта саноат моли харид қилиш учун кетишди. Қолганларнинг ҳаммаси «аждар»га таклиф қилинди. Шу муносабат билан музика янгради, хотинлар ва қоллар байрам либосларини кийишди, лепанга дарахти яproғидан қилинган бостирма салқинида салобат билан ўтиришарди.

Аждар шимталанди, терисси ошлаш учун махсус ажратилган ёғоч тоғорада ётарди, гўшти дош қозонда пишмоқда, елкасига Кхат ва унинг ёрдамчилари ишлов бериш билан оанд, оппоқ умуртқани гўшт ва бел ликларидан ажратиш уларнинг зиммасига тушган. Ўчоқ томонда қайнаётган шўрванинг хушбўй ҳиди тараларди, қозонга қишлоқ ошпази Минь чамалаб, ўзи билган тартибда қалампир, ҳар хил илдиз талқонлари, кўкат ва бошқа зиравороллари ташлар экан, ўзича нималарнидир пичирлаб хиргойи қиларди.

— У нимани пичирлаяпти?— Лиендан сўрадик.

— Ким билади дейсиз. Аждарни пишираётганда шундай дуо ўқиш одати бор. «Жунгли аждарига» мадҳ ўқияпти кучли ва яхши илонни мақтаяпти. Унинг кучи бизга ўтсин, деяпти.

Белига бир парча белбоғ боғлаб олган қари Минь атрофдаги одамларга парво ҳам қилмай ўз муқаддас доосини ўқиш билан банд эди. Бу оддий иш бўлмай, чинакам дуо эди. Минь яланг оёқ гоҳ қизил тупроқни депсар, гоҳ бир зайл ёнаётган утга тикилиб турар, қўлини қоронғиликка йўналтириб нималарнидир пичирлар эди.

Минь қишлоқда бахши ҳисобланарди. Ҳар қандай тантанада, музика ва ичкиликда узлуксиз бошчилик қиларди. У ҳамқишлоқлари орасида қишлоқ оқсоқоли бўлмасада, ҳамма томонидан ҳурмат қилинадиган, ҳаммага зарур одам эди. Бола туғилиши, бирорта қариндошнинг узоқ сафардан қайтиб келиши, уй тўйи ёки аза усиз ўтмас эди. Ҳар бир тантана, маросим учун Миннинг чексиз хотирасида ҳар хил мадҳия ва марсиялар сақланарди.

Унинг пазандалиги хусусида ган кетадиган бўлса, ҳар кимнинг ўз диди бор. Биз, тўғрисини айтганда, у тайёрлаган аждар гўштини нохушлик билан едик, аммо бошқалар лаззатдан заавқланиб, яна қўшимча талаб қилишди...

Ханой.
«Неделя»дан.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/Да **Алмандар**, 14/Да **Шошма қуёш**, 15/Да **Баланд қоғдаги аёллар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/I да **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 15/I да **Тўйдан олдин томоша.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА— 13/I да **Тиқансиз типратиканлар**, 14/I да **Тиқансиз типратиканлар**, 15/I да **Сокин тонглар.**

КИНО

13 ЯНВАРДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЕШ ЙИЛ ВА БИР УМР» — **Қозоғистон.**

«ГРИПП ХАВФЛИ КАСАЛЛИК» — **Восток.**

«АБАДИЙ ЕРУҒЛИКНИ АСРА» — **Нукус.**

«ЯШАЙВЕР, ИНСОН» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМ:

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

14 ЯНВАРДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЕШ ЙИЛ ВА БИР УМР» — **Қозоғистон.**

«ГРИПП ХАВФЛИ КАСАЛЛИК» — **Восток.**

«АБАДИЙ ЕРУҒЛИКНИ АСРА» — **Нукус.**

«ЯШАЙВЕР, ИНСОН» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМ:

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

Киров районидаги 96-ўрта мактаб томонидан **Ҳанимжонов Қаҳрамон Исломович** номига берилган 550836 номерли ўқ-қолган

САККИЗИНЧИ СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БАЛИҚНИНГ ЛАЗЗАТИ НИМАДА?

Айтишларига қараганда вақти-вақти билан балиқ тановвул қилиб турадиган одам ҳамиша бардам, соғ-саломат ва хотираси кучли киши бўларкан.

БАЛИҚНИНГ ҚИММАТИ НИМАДА? УНИНГ ТАРКИБИДА ЖУДА КЎП ФОЙДАЛИ ОҚСИЛЛАР БОР. УЛАР ҲАЁТНИНГ АСОСИДИР.

Балиқнинг мойи қимматли ҳисобланади. У фақатгина тўйимли бўлиши билан бирга енгил ҳазм ҳам бўлади. Балиқ мойининг шифобахш таркиби қадимги замонлардан кўпгина халқларга маълум.

Балиқ минераль моддаларга бой: фосфор, калий, натрий, магний, олтингугурт; хлор. Балиқ тановвул қиладиган кишиларнинг умри узун бўлади ва ҳамиша саломатлиги жойида бўлади деб халқ донишмандлигида бежиз айтишмаган.

Жаҳондаги балиқ мамлакати бўлган—Японияда бир миллион кишига атиги битта қалқонсимон без билан касалланган тасодиф тўғри келади. Балиқни кўп сўйиган Норвегия мамлакатининг аҳолиси орасида ҳам юрак-томир системаси касалликлари камдан кам учрайди.

Бизнинг шаҳримизда ҳовуз сувида етиштирилган тирик балиқ дўнгпешонага бўлган талаб ошиб бормоқда. Узоқ Шарқ денгизларидан бизнинг диёримизга келтирилган бу балиқлар сув ҳавзаларимизга жуда ҳам мослашиб кетди. Дўнгпешона балиғидан ранг-баранг ва иссиқ таомлар тайёрлаш мумкин: котлетлар, биточкилар, сомса, пирог, чучвара, шўрва ва бошқалар.

Балиқ таом тайёрлаш учун масаллиқлар рецептини тавсия этамиз: 600 грамм балиқ, икки бош пиёз, петрушка, сельдер, кичкинагина сабзи, туз, мурч, таъбга яраша шакар, икки чой қошиғида желатин тозалаб олинган балиқнинг гўштларини тозаланган ва қирқилган ўсимликлар билан бирга кастрюлга соласиз ва 3 стакан сув қуясиз, таъбга яраша туз ва шакар сепасиз. Паст оловда 1 соат давомида милтиратиб қайнатасиз. Балиқ пишгандан кейин унинг терисидан ва суякларидан ажратиб оласиз. Шўрвасига (у 3 стакан атрофида бўлиши лозим). ивитилган желатин қўшиб қайнатасиз. Кичик қолипчаларга ош қошиғида шўрвасидан қўйиб, тиндириб қўясиз. Совиган шўрвага балиқни солиб устидан яна сабзавотлар аралашган шўрва қуясиз, таъбга яраша мурч ва дориворлар сепиб совутасиз.

Тоғ-ранг дастурхонга тортишдан олдин қолипчалардан чиқариб оласиз, ва тақсимчаларга тортиб устини лимон парракчалари билан безайсиз.



ТИРИК ВА МУЗЛАГАН ДЎНГПЕШОНА БАЛИҚЛАРИНИ ШАҲАР ГАСТРОНОМЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

РЕСПУБЛИКА «ГАСТРОНОМ» ИДОРАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

13 ЯНВАРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг биринчи программаси

18.00 «Асли болалиқдан». Ю. Олеша. 18.45 «Горнчлар, қаердасизлар». Ереванда олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Москвада қиш». Кинолавҳа. 19.40 Сониа Амелио рақсга тушади (Мексика). 20.10 «Экономика тежамли бўлиши керак». Татаристон АССРда ёнилғини тежаш ҳақида. 20.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 С. П. Королев туғилган кунинг 75 йиллигига. «Бош конструктор». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Мордва АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Малахит қутичаси». «Менинг филим бўл». Мультфильмлар. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун «Моҳир қўллар». 19.10 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта». Тошкент «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Г. Ғеқадзе. «Қўшиклар». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Совринларимиз — энг яхши механизаторларга». Кўрсатув ва концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек ҳазинаси». 1-серия. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Эстетика асослари. Санъат турлари. Музика. 18.50 «Афсонолар ороли». Телефильм. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Биология. Ирсият қонунлари (рус.). 20.50 «Қандай қилиб чемпион бўлиш мумкин». Телефильм. 21.00 «Она шаҳрим — Тошкентим». 21.30 МТ II.

14 ЯНВАРЬ—ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг биринчи программаси

18.00 Мактаб ўқувчиларининг қишлоқ ўқитувчиси Л. Ф. Девятайкина билан учрашуви. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат маданияти». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Инсон ва қонун». 20.05 Совет қўшиқларидан концерт. 20.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Бош конструктор». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Дўстларимиз чехраси».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 СССР Мудофаа министрлиги биринчи алоҳида намунали оркестри ижросида Улуғ Ватан уруши қўшиклари мавзуида ёзилган фантазиялар. 19.00 «Апрелдаги тушлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 20.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинатойлар!». 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время». 22.05 В. А. Гранаткин хотираси совғини учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1—ФРГ терма командалари. МАСК футбол-енгил атлетика комплексидан олиб кўрсатилади. 23.35 Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон кубоги. Хотинқизлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қаҳратон совуқ». Қўғирчоқ фильм. 11.50 «Ўрмон фестивалига марҳабо». Н. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли (такрорий).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун фильм. «Ўрмонлар ва тоғлар ортида» (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Визнинг янги адресимиз». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Адабий альманах». 20.15 «Карпат рапсодияси». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек ҳазинаси». 2-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

КАШАНДАЛИК ВА САБЗАВОТ

ВАШИНГТОН. Таркибида табиий каротин моддаси кўп бўлган сабзавот истеъмол этиш ўпка раки билан касалланиш хавфини анча камайтиради. Гарвард университетининг медиклари шундай хулосага келишди. Мутахассислар Чикагодаги 2 минг аҳолини қарийб 19 йил мобайнида текшириб, шуни аниқладиларки, сабзи, помидор, картошка, лавлаги, салат каби каротинга бой сабзавотларни тез-тез истеъмол қилиб турган кишиларда ўпка раки билан касалланиш хавфи кам учраган. Шу билан бирга чекадиган лекин шу маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилиб турадиган кишиларнинг касалланиш хавфи қолган кашандаларга нисбатан 8 марта кам бўлган. Сабзавот таркибидаги каротин ҳамда ўпка раки билан касалланишнинг камайиши ўртасидаги ўзаро алоқани янада аниқ белгилаш учун узоқ вақт анализ олиб бориш талаб этилса-да, текшириш ўтказган олимлар ўз беморларига, аввало кашанда беморларга кўп сабзавот истеъмол қилишни ҳозирданоқ тавсия этмоқдалар.

(ТАСС).

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танланган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб турадн. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ВА 1 ЙИЛ.

3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: кичик ветеринар фельдшери, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, кенг ихтисоли тракторчи-машинистлар (шофёрлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади).

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона 3 Х 4 см. размердаги расм, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (Тошкент шаҳридан 1, 16, 24, 101-автобусларнинг «Троицкий поворот», 69, 89-автобусларнинг 1-«Қорасув» бекати).

ГРУЗИЯ ССР. Кобулети районидаги Хала қишлоғида яшовчи Васадзелар оиласининг хореографик коллективи республика ва Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик конкурсларининг бир неча марта голиби бўлган. Бу оилавий коллектив чет эл саҳнасида — Венгрияда ҳам ўз санъатини намойиш этди. Оилавий ансамбль раҳбари, қишлоқ медицина ходими Омар Васадзега Грузияда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди.

СУРАТДА: Оилавий ансамбль колхоз чойнорларни ҳузурига йўл олмоқда.

Н. Анастасьев фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ФУТБОЛ

УЧ КОМАНДА ПЕШҚАДАМ

СССР иккинчи терма командасининг футболчилари 10 январь куни ФИФА биринчи вице-президенти Валентин Гранаткин хотирасига бағишлаб пойтахтдаги МАСК футбол—енгил атлетика комплекси майдонида ўтказилаётган халқаро ёшлар (18 ёшгача бўлган) турнирида яна ишончли ғалабага эришдилар. Спортчиларимиз бу ғал Болгария командаси устидан 3:1 (0:1) ҳисобида ғолиб чиқишди.

Иккинчи терма команда ўйинчилари (улар бошқа рақиблардан бир ёш кичик) сўнгги икки учрашувда ўз дарвозаларига битта тўп ўтказиб юборганлари ҳолда, ГФР ва Болгария командалари дарвозаларига олтита тўп киритишди.

Бизнинг биринчи терма командамиз ҳам натижали ўйнаб, италиялик тенгқурларини 4:0 (3:0) ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бразилиялик футболчилар 1:1 (1:1) ҳисобида яна дуранг ўйнадилар. ГФРлик спортчилар бугун уларнинг рақиблари бўлишди.

Шундай қилиб, мусобақанинг уч туридан сўнг бирданига учта коллектив—Бразилия, СССР биринчи ва иккинчи терма командалари пешқадамлик қилмоқда. Улар тўртдадан очкога эга. ГФР футболчилари 3 та, италияликлар 2 та, Болгария терма командаси 1 та очко тўплаган.

(ТАСС мухбири).

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

Оржоникидзе район Ички ишлар бўлими партия ва комсомол ташкилотлари шу бўлимнинг мудири А. Холмуродовга укаси

Бекмурод ХОЛМУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

3-босмахона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари босмахона ишчиси Ф. Иброҳимовга рафиқаси

Муаззам ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БОТ. ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ